**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**“Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази”**

**“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси**

**БУРИЕВ БЕКМУРОД ИҚБОЛЖОН ЎҒЛИ**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

**мавзусидаги**

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Илмий раҳбар:** А.Махмудов (PhD)

**Илмий маслаҳатчи:** М.А.Аминжонова (ю.ф.н. доцент)

**ТОШКЕНТ – 2022**

## Аннотация

Диссертация иши коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб борувчи давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятида мавжуд ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ва ечимларини, ушбу жараёнда прокуратура органларининг фаолияти тадқиқот марказига қўйилган ҳолда муҳокама қилиниб, ҳориж манбаалари ва амалиётда мавжуд ютуқларга таянган ҳолда ижобий тажрибаларни амалиётга жорий қилишга бағишланган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги айрим ташкилий-ҳуқуқий муаммолари ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

## Аннотации

Диссертация посвящена обсуждению существующих организационно-правовых проблем и путей решения антикоррупционной деятельности государственных органов в борьбе с коррупцией, внедрению положительного опыта на основе зарубежных источников и достижений на практике. Также разработаны некоторые организационно-правовые проблемы в борьбе с коррупцией и научно обоснованные предложения по их устранению.

## Annotation

The dissertation is devoted to the discussion of existing organizational and legal problems and solutions of anti-corruption activities of state bodies in the fight against corruption, the implementation of positive experiences based on foreign sources and achievements in practice. Also, some organizational and legal problems in the fight against corruption and scientifically based proposals for their elimination have been developed.

**Мундарижа**

**КИРИШ...........................................................................................................4-12**

**1-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ.**

1.1 Коррупция тушунчаси ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари..........................................................................................................11-24

1.2 Коррупцияга қарши курашувчи органлар ва уларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ..................................................................................23-38

**2-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

2.1 Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқий муаммола............................................ 37-49

2.2 Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш жараёнида мавжуд ташкилий муаммолар...................................................................48-56

**3-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

3.1 Ривожланган хорижий давлатларда прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир илғор тажрибалари..........................................................................................................58-68

3.2 Прокуратура органларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ривожлантириш истиқболлари.................................................................69-72

**ХУЛОСА.........................................................................................................73-76**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ...............................77-83**

**ИЛОВА...........................................................................................................84-96**

# КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ҳозирги кунда давлат бошқарувидаги коррупция муаммоси глобал ва тизимли хусусият касб этади. Қолаверса, коррупция замонавий даврда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, давлат ва ҳуқуқий ислоҳотлар йўлидаги енгиб бўлмас тўсиққа айланди. Коррупциянинг оқибатлари мамлакатимизнинг деярли ҳар бир фуқароси ҳаётига бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Ҳокимият ва бошқарув органларида юзага келган ушбу салбий ҳодиса натижасида тадбиркорлик субъектлари ўрнини босиб бўлмайдиган харажатларга дучор бўлмоқда, бу эса уларнинг иқтисодий ўсиши ва инновацион ривожланишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда барча давлат ҳуқуқий воситалари ва институтлари коррупцияга қарши курашишга қаратилган бўлса-да, бир қатор сабабларга кўра, объектив ва субъектив тартиб туфайли давлат ҳалигача коррупцияга қарши курашишда тегишли натижага эриша олмаётганлигига гувоҳ болишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари **Б.Б.Валиевнинг** маълум қилишича, охирги тўрт ярим йил ичида **9546** нафар шахс турли кўринишдаги коррупция жиноятларини содир этган. Таъкидланишича, мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва фуқаролар манфаатларига **3 трлн 200 млрд** сўмга яқин зиён етказилган[1].

Ушбу ҳолатларнинг ҳалигача жамиятимизда барқарор мавжуд бўлишига бир қатор коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ҳуқуқий муаммоларининг мавжуд бўлиб қолаётганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб бермоқда.

**Биринчидан:** Коррупцияга қарши курашишнинг **ташкилий муаммолари** яъни:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг 2021 йил 9-июлдаги АОКА да ўтказилган брифингдаги нутқидан. http//www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/.

1. Жамиятда юқори мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган сиёсий коррупцияни етарли даражада жиноий таъқиб этиш тизими мавжуд эмаслиги;

2. Юқори мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган сиёсий коррупцияни таъқиб қилувчи алоҳида органнинг мавжуд эмаслиги;

3. Давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан холилиги;

4. Давлатнинг асосини ташкил қилувчи давлат органлари, муассаса ва ташкилот ходимларининг иш ҳақиларининг кам миқдорда белгиланганлиги;

5. Коррупцияга қарши курашишда малакали кадрларнинг етишмаслиги.

Шунингдек, **ҳуқуқий муаммолар:**

1. Қонунчилигимизда ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллезион нормаларнинг мавжудлиги;

2. Аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоатда фаоллигининг пастлиги;

3. Қонун лойиҳаларини коррупциявий экспертизадан ўтказувчи органлар томонидан экспертиза ўтказиш мукаммал амалга оширилмаётганлиги асосий муаммоларидан ҳисобланади.

**Иккинчидан:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш дозарб аҳамият касб этади.

**Учинчидан:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022-йил 28-февралдаги Фармони билан 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш жараёнида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатда аниқ, ҳаётий ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилгани мамлакатимизда ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун, жадал ривожлантириш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек буюк мақсадларга хизмат қилади. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”** тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан ҳамда юз устувор мақсаддан иборат бўлган ушбу стратегиянинг 83-84-мақсадлар бевосита коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш жараёнини белгиловчи ислоҳотларни қамраб олган.

**83-мақсад:** Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш;

**84-мақсад:** Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадларида келтириб ўтилган режаларни амалиётга кенг тадбиқ қилиш ушбу соҳаларда кенг таклифлар ишлаб чишни тақазо қилмоқда.

**Тўртинчидан:** сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қонунлар ва дастурлар қабул қилиниб, бунинг самараси натижасида **Ўзбекистон Республикаси “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингида 5 ўрин**

**юқорига кўтарилиб, 158 ўриндан (2018 й.), 153 (2019 й.) ўринни эгаллади. 2020 йилга келиб, яна 7 поғонага юқорилаб, 153 ўриндан (2019 й.) 146 ўринни эгаллади. 2021 йилга келиб, 140 ўриндан жой олган.**[2] Мазкур соҳадаги ютуқлар албатта амалга оширилаётган тизимли чораларнинг натижаси ҳисобланади. Шу ўринда, соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, аммо давлат ва хусусий секторда ҳали ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда. Агарда статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 24-апрелида бўлиб ўтган ялпи мажлисида коррупцион жиноятларни содир этиш кўрсаткичлари ошиб бораётганлиги ва натижада бюджет маблағлари талон-тарож қилиниши ўсиб бораётганлиги бунда 2017 йилда **36,5 млрд**, 2018 йилда **1,2 триллион сўм**, 2019 йилда қарийб **1,1 триллион сўм**, 2020 йилда **2,7 триллион** сўм бюджет маблағи ноқонуний тарзда ўзлаштирилиб юборилганлиги, 2017 ва 2018 йиллар орасида талон-тарож қилиш ҳолати салкам **33** баробарга ошганлиги алоҳида қайд этилди[3].

Шунингдек, 2021 йилнинг биринчи ярмида **2544** нафар мансабдор шахсга нисбатан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноий иш қўзғатилган. Умумий зарар миқдори **592,5** млрд сўмга баҳоланган, бу кўрсаткич 2020 йил давомида **500** млрд сўмни ташкил қилган. Энг кўп ҳолатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги ва банк секторларига тўғри келган.[4] Ушбу келтириб ўтилган ҳолатларни олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасини коррупциядан ҳоли макон бўлишини таъминлаш ҳам кўплаб таклифлар ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

**Бешинчидан: коррупцион жиноятларни олдини олиш зарурати ва ушбу тадқиқотимизнинг долзарблиги унинг натижасида юзага келиши**

---

[2] URL: https://www.transparency.org/en/countries/Uzbekistan
[3] http:www.parliament.gov.uz//uz/statistic/uhk-2021-statistik ma`lumotlar.
[4] https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodiretilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi

**мумкин бўлган оқибатларда ҳам намоён бўлади.**

Жумладан, сифатсиз материаллардан фойдаланишга эътибор бермаган пора эвазига қурилиш ва хавфсизлик инспекторлари қурилиш ишларининг нотўғри бажарилиши натижасида тан жароҳати олиши ва хатто ўлим ҳолатлари учун жавобгарликка тортилганлиги ҳолати хориж тажрибасидан яққол мисолдир. Масалан, **35** киши ҳалок бўлган **2007** йилдаги Мисрдаги Искандария шаҳрида бинонинг қулаши, бу маҳаллий амалдорлар ўртасида кенг тарқалган коррупция ҳақидаги даъволарга сабаб бўлган.[5]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2021 йил 28 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “коррупцияни олдини олиш бўйича менга таклифлар керак. Таклифларни ҳаммасини мужассам қилиб, ҳаммани кўзини очиб бериши керак. Рақамлаштиришни амалга оширмасак, коррупцияни йўқ қила олмаймиз”, деб таъкидланди.[6]

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтиб ўтишимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий муаммолари мавжуд экан, ушбу иллатга қарши олиб борилаётган барча чоралар ўзининг самарасини бермаслиги мумкин. Чунки ушбу муаммолар тизимли ва чуқур илдиз отган муаммолардир.

Ушбу муаммоларни очиқ ойдин кўрсатиб бериш ҳамда уларни секинлик билан ислоҳ қилиб бориш масаласи ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини янада кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этиш давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, коррупция сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш

---

[5] Leslie Holmes “CORRUPTION” A Very Short Introduction. United States of America by Oxford University Press 198 Madison Avenue, New York, NY 10016, United States of America.

[6] URL:http:www.transparency/org/ru/news/cpi-2020-glosal-highlights./

бўйича янги тизимли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

**Олтинчидан: Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда** прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб борувчи органлардан бири сифатида келтириб ўтилган бўлсада, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатида ушбу фаолият тўғрисида бирор-бир норма келтириб ўтилмаган.

Шунингдек, 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ 7 та йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Бу эса “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақаза қилмоқда.

**Тадқиқот объекти:** Ушбу диссертация тадқиқотининг объекти Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятида мавжуд ташкилий-ҳуқуқий муаммолар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети:** Ушбу диссертация тадқиқотининг предметини Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида мавжуд ташкилий-ҳуқуқий муаммолар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳамда коррупцияга қарши курашишда прокуратура органлари вазифаларини ташкил этиш ва такомиллаштиришни ташкилий ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим ҳорижий давлатлар амалиёти ва қонунчиликларидан фойдаланилади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари:** Диссертация тадқиқотининг мақсади коррупцияга қарши курашишда мавжуд ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ва шу билан бирга алоҳида тартибда прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий механизми мазмунини очиб беришдан иборат. Диссертация тадқиқотининг мақсади қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал қилишни олдиндан белгилаб берди:

- Жамиятда юқори мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган сиёсий коррупцияни фош этиш ва уни олидини олиш механизмини кўриб чиқади;
- Давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан холилиги жараёнини таҳлили;
- Коррупцияга қарши курашишда малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳолатининг муҳокамаси;
- Қонунчилигимизда ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллезион нормаларнинг мавжудлиги муаммосининг таҳлили;
- Аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоатда фаоллигининг пастлиги таҳлили;
- Қонун лойиҳаларини коррупциявий экспертизадан ўтказувчи органлар томонидан экспертиза ўтказиш мукаммал амалга оширилмаётганлиги асосий муаммо сифатидаги таҳлили;
- Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини кўриб чиқади;
- Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмида прокуратура органларининг ўрни ва ролини белгилаш;
- Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишнинг асосий элементлари таҳлилини бериш;
- Прокуратура органларининг ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўналишларини белгилаш;
- Прокурор назорати орқали коррупцияга қарши курашиш амалиётини ўрганиш;
- Прокурорлар томонидан бошқа давлат фаолиятини амалга ошириш жараёнида коррупцияга қарши курашиш амалиётини таҳлил қилиш;
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш;

- Прокуратура органлари фаолиятини тартига солувчи қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий таҳлили;
- Коррупцияга қарши курашишда илғор хориж давлатлар фаолиятиини таҳлил қилиш.

**Мавзуни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш даражаси.** Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари прокуратура органлари фаолияти мисолида мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилади. Маскур тадқиқот мавзусининг айрим жиҳатлари миллий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Б.Исмаилов[7], Б.Д.Ахроров, Б.М.Исмоилов, М.М.Поляков, А.Б.Куракин, В.В.Астанин, Д.Н.Колчеманов, С.Н.Шишкарев, С.Г.Александрова, А.И.Долговой, И.Ермилина, И.Ю.Жилиной[8], Н.А.Карагодина, Л.М.Колодкина, А.В.Кудашкина, М.В.Костенникова, П.А.Кабанова, В.В.Лунеев[9], В.Н.Лопатина[10], В.М.Николайчика, А.Д.Сафронова, Э.В.Талапиной, Ю.В.Трунцевского, А.А.Шевслевича, Е.Ю.Шерстобитовой ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбааларни комплекс тадқиқ этиш, индуксия ва дедуксия, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўлаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотдан кутилаётган натижалар.** Диссертация ишининг аҳамияти шундаки, унда прокуратура органларининг коррупцияга қарши

---

[7] Исмаилов Б.И. Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе-Т.: “Turon-Iqbol”, 2019. -126 с.

[8] Жилина И.Ю. Феномен коррупции: общие подходы к изучению. Соци-ально-экономические аспекты коррупции. Экономические и социальные пробле¬мы России // — М., 2008.

[9] Лунеев В. В. Коррупция: политические, экономические, организаци-онные и правовые проблемы / Лунеев В.В. //Гос-во и право — 2012.

[10] Лопатин В.Н. Проблемы борьбы с коррупцией при формировании и реализации антикоррупционной политики : сборник материалов международной научно- практической конференции "Актуальные проблемы строительства и развития союзного государства" — СПб., 2001.

курашиш фаолиятини ҳам ташкилий ҳам ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш орқали прокуратура органларини коррупцияга қарши курашишдаги сай-ҳаракатларини ошириш;

2. Коррупцияга қарши курашишда прокуратура органларининг фаолият йўналиши фақат жиноий таъқиб ҳамда содир этилган жиноятни тергов қилиш билан чекланиб қолмоқда. Бу эса кўплаб соҳасида коррупциявий жиноятлар содир этилишига тўсқинлик қила олмаяпти. Шу муносабат билан коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усули бўлган коррупцияни олдини олишга қаратилган фаолиятни кенг миқёсда прокуратура органлари фаолиятида акс этириш ва тизимда коррупцияга қарши курашишни ташкил этишни мақсад қилган антикоррупциявий прокуратура жорий этиш.

3. Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташкилий фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан қуйидагиларга боғлиқ.

**Биринчидан:** тизимда профессионал коррупцияга қарши курашиш қобилияти ва илмига эга кадрларни тўғри танлаб олиш, шунингдек, уларнинг ҳалол ва мақсадли фаолият юритиши учун мақбул шароитлар яратиш.

**Иккинчидан:** оммовий ахборот воситасининг бутун арсеналидан максимал даражада фойдаланиш.

**Учинчидан:** фуқаролар томонидан коррупциявий жиноятлар ҳақидаги хабарларни максимал даражада ривожлантириш ва фуқароларда коррупцига қарши муросасиз муҳитни ярата олиш.

**Тўртинчидан:** коррупциявий нормалардан ҳоли қонунчилик базасини яратишдир.

**Диссертация ишининг тузилмаси.** Диссертация иши кириш қисми, учта боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиѐтлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 76 бетни ташкил этади.

# I. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1 Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзияевнинг “Коррупция йўқ, дейиш тўғри бўлмайди, коррупция ичимизда қолмоқда. Биз бутун жамоатчилик билан биргаликда коррупцияга қарши курашишимиз керак,[11] деб бежиз таъкидлаб ўтмаганлар. Ўзбекистонда муайян даражада ушбу ижтимоий салбий ҳодиса ҳозирги кунда барча соҳани қамраб олганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу ҳодисага қарши курашиш ҳам халқаро миқёсда, ҳам Республикамизда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Дастлаб, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш билан боғлиқ ҳолатларни муҳокама қилишдан олдин коррупция тушунчаси ва у тўғрисида олимлар ва сиёсатчиларнинг мулоҳазаларини келтириб ўтишимиз лозиим.

Коррупция атамаси лотинча **“corruption”** сўзидан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади[12]. Кейинги фикрга кўра коррупция атамаси лотинча **“corrumpere”** сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади[13].

Тарихни ўрганиш шундан далолат берадаки, инсоният жамият тараққотнинг барча босқичларидан коррупция унга ҳамроҳлик қилиб келади, у айни бир вақтда цивилизациянинг ҳам аломати, ҳам муаммоси булган. Бошқа бир нуқтаи назарга кўра, Коррупция атамаси лотинча “corrupetion” сўзидан олинган бўлиб, пора бериб мансабдор шахсни ўзига оғдириш маъносини англатади. Бу мансабдор шахснинг эгаллаб турган мансаб ваколатларидан бевосита бойлик орттириш мақсадида фойдаланишдан иборат жиноятдир. Агар мазкур ҳодисанинг тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, барча

---

[11] https://www.gazeta.uz/ru/2021/09/28/corruption/
[12] Криминология. Учебник. Отв. редактор: Рустамбаев М.Х. - Ташкент: ТГЮИ, 2008.– С. 219.
[13] http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция.

давлатларда коррупция жамият ва давлатнинг долзарб муаммоси бўлиб келганлиги кўзга ташланади. Ўзининг тарихийлигига кўра коррупция урищдан кейинги ўринда турувчи ижтимоий ҳодиса. Икки-тўрт минг йиллар аввал халқ афсоналарида сипоҳлар билан бирга йўлтўсар, савдогар ва оҳин каби порахор амалдорлар ҳам асосий иштирокчи сифатида тилга олинган. Коррупция қариндошлик, уруғ-аймоғчилик, бир миллатга мансублик ришталари билан боғланган. Ҳозирги шароитда коррупция “уруғ-аймоқилик”, “қуда-андачилик”, “маҳаллийчилик”, бирон-бир авлодга мансублик кўринишларида намоён бўлмоқда.[14]

Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда «Хар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақатислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдирарди.[15]

**Бизнинг фикримизча** коррупцияга фақат жиноят ёки криминалогияга оид муаммо деб қараш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки ушбу ҳодиса мураккаб сиёсий, иқтисодий ва аҳлоқий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишни ташкил этишда, қисқа вақт ичида мазкур ҳодиса воқелигимиздан таг-туги билан суғириб ташланади, деган ҳаёлларга берилиш керак эмас. Аммо, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий бошқарув соҳасига оид тадбирларни ошира бориб, мукаммал ҳуқуқий базани яратиб, жамодачилик мададига таянган ҳолда, коррупциянинг тасиридан самарали равишда ҳимояланишимиз ва шу йўл билан унинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтиришимиз мумкин.

Ушбу ўринда келтириб ўтишимиз керакки, коррупцияни икки жиҳатдан ижтимоий фалсафий (кенг) ва ижтимоий юридик (тор) жиҳатларига

[14] Г.А.Сатторов, М.И.Левин, М.Л.Цирик. Россия и корруция кто кого? М, 1998. С.15.
[15] Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т.: “Ўзбекистон”. 1997.Б, 84

кўра ўрганиш мумкин. Кенг маънода коррупция - бузилиш, таназзул маъносини билдиради. “Коррупция:

1) ёмон йўлга бошлаш, пора эвазига ўз томонига оғдириш;

2) бузилиш, таназзулга юз тутиш;

3) аҳлокий бузуқлик, фикрлар тескарилиги;

4) рухиятнинг бузилганлиги, айниганлиги, оғир аҳволини англатадаи.

Мазкур атама роман-герман ва славян тилларида ҳам шу маъноларни англатади. Баъзи славян тилларида “коррупция” пора маъносида тушунилади. Масалан, **“korrumpirati”** сўзи серб-хорватлар тилида “пора бериб, ўз томонига оғдириш, пора бериш” деб таржима қилинади, **“korrupeneski”** сифати эса чехларнинг тилида “сотилувчи, сотқин” маъносини англатади, рус тилида эса - бу пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сийсий арбобларнинг сотқинлигидир.[16]

Башарти, тарихнинг у ёки бу даврида давлат хокимияти бирон-бир зарарли ҳодисани бартараф этишга мажбур бўлса, бу «айниш», «бузилиш» тушунчаларининг ўзига ҳам тузатиш киритиш керак, деган маънони англатмайди. Жамият учун хавфли килмишлар ёвузлик деб баҳоланади ва шармандали килмишлар жиноят ёки бошка хукукбузарлик, деб тан олинади. Бу билан давлат уларнинг мавжудлигини эътироф этади ва тегишли тарзда унга ўз муносабатини билдиради. Аммо **“коррупция”** тушунчасининг ўзига тузатишлар киритилмаслиги ва у юридик ақидага айланмаслиги лозим. Порахурликка қарши эмас, «коррупция»га қарши курашга даъват этиш расмиятчиликка, кўзбўямачиликка ҳамда жиноят ва жазо назариясидаги, хуқукнинг бошқа соҳаларидаги шу хилдаги эскилик сарқитларига қарши уруш эълон қилишини эслатади.[17] Бу қонунни қўллаш билан боғлик фаолиятда бирон-бир ижобий ўзгаришларга олиб келмайди. Давлат хизматчиси томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш факат

[16] Н.Е.Егорова. Уголовно – правовые формы борьбы скорруцией в новых экономических условиях. Автореф. Дисс.канд.юрид.наук. Саратов, 2006, С.22.
[17] Г.А.Сатторов, М.И.Левин, М.Л.Цирик. Россия и корруция кто кого? М, 1998. С.15.

Жиноят кодекси (ЖКнинг 2-моддаси) вазифаларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий нормалар, тил анъаналари ва профессионал ҳуқуқий онг сиёсатнинг доимий таъсир кўрсатувчи объекти бўлмаслиги керак. Куч-ғайратни ва маблағларни бевосита порахўрликка қарши курашга сафарбар этиш бюрократия манфаатларига жавоб бермайди. “Шу хилдаги жиноятларнинг ҳақиқий миқдори рўйхатга олинганидан бир неча баравар кўп. Агар бюрократиянинг хатто энг қаттик назорат чораларига ҳам қарши туришга қодир эканлигини инобатга олмасак, жиноятларни фош этиш яхшиланиб бораётганини, тергов ва суд хатолари сони камайиб бораётганини улкан ютук деб хисоблаш мумкин бўларди”.[18]

Ҳақиқатдан ҳам порахўрлик жиноятларининг латентлик даражаси юқоридир. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари, олимларнинг фикрларига кўра порахўрлик жиноятларининг латентлик даражаси 90-95% ни ташкил этади[19]. Давлат ҳокимият органларида коррупция муаммосини тадқиқ этиш ҳамон долзарблигича қолмокда. Сўнгги вактларда мазкур атама норматив ва қонунни қўллаш билан боғлик ҳужжатларда тез-тез ишлатилмокда. Аммо ҳамон бизнинг конунларимизда ҳам, чет давлатларнинг қонунларида хам коррупция тушунчасининг аник таърифлари мавжуд эмас, коррупцияга мансабдор шахсни пора эвазига ўз томонига оғдириш, деб караш керак, деган фикрни кўпчилик кўллаб-кувватлайди. Шу билан бирга мазкур ҳодиса пора эвазига мансабдор шахсни ўз томонига оғдиришдан кўра кенгроқ маънога эга, у қатор ҳолларда айникса, сиёсий партияларни ва ҳаракатларни молиявий таъминлаш билан боғлик суиистеъмолликлар содир этилганида сиёсий жихатларга эгадир[20], деган фикрлар ҳам мавжуд.

«Коррупция» тушунчасининг ўзи бирон-бир қатъий ҳуқуқий мазмунга эга эмас. Ушбу шарт-шароитлар туфайли коррупцияга қарши кураш олиб

---

[18] Н.Е.Егорова. Уголовно – правовые формы борьбы скорруцией в новых экономических условиях. Автореф. Дисс.канд.юрид.наук. Саратов, 2008, С.22.

[19] Зуфаров Р.А. Порахурликка қарши кураш муаммолари. Т.: ТДЮИ, 2005. Б.52.

[20] Раном.Э.П. Уголовно-при спые проблемы борьбы с коррупцией. Коррух в России состояние и проблемы. М., 1996, с.39-40. 16

бориши керак бўлган органлар зиммасига юкланган қонунни қўллаш амалиёти ва статистика ҳисоб-китоблари аслини олганда аросатда қолиб келди ва шундай бўлиб қолмокда. Шунинг учун коррупцияга берилган таърифда, унинг ҳакикий кўламини шу вактга қадар аник айтиб булмайди.

Ҳозирги вақтда, криминалист олимлар ўртасидаги баҳсларда, жиноят, фукаролик, маъмурий, меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг илмий ишларида, оммавий ахборот воситаларида **“коррупция”** ибораси турли маъноларда кўлланилмокда, бу эса коррупция ижтимоий-ҳукукий ҳодиса бўлиб, порахўрликнинг ўта салбий кўринишидир, деб хулоса қилиш имконини беради. Баъзи манбаларда эса, бу атама иктисодиёт сохасидаги жиноятлар ва мансабдорлик жиноятлари каби сўзлар билан бир каторда кўлланилади.[21] Республикамизда чоп этилган китоб ва маколаларда ҳам коррупция дейилганида, юқори мансабдаги шахслар томонидан содир этилган порахўрлик назарда тутилади.

Шунингдек, рус олими Н.А.Лопашенконинг фикрича, “пора эвазига оғдириб олиш ҳаракатлари пора олувчининг қонунбузарлигига олиб келади ва айнан шу ҳолат коррупциянинг мазмунини ўзида ифодалайди. Порахўрлик коррупциянинг ўзаги бўлиб, унда ҳар доимо мажбурий тартибда мавжуд бўлади”[22] деб тор фикирдаги қарашни илгари сурган. Унинг фикрига кўра коррупциявий жиноятлар порахўрлик жиноятлари билангина чеклаб қўйилган ва бу нуқтаи назар ўрганилаётган тушунча мазмунини тўлиқ очиб бермаган. Чунки коррупциявий жиноятларнинг турлари нуқтайи назаридан ёндашадиган бўлсак, коррупциявий жиноятларнинг доираси нисбатан кенгроқдир.

Бундан ташқари, ушбу тушунча тўғрисида С.В.Максимов томонидан фикрлар келтириб ўтилган, Унинг фикрига кўра, “коррупция – бу давлат мансабдор шахси ёки бошқа давлат хизматчиси, шу жумладан, судьялар ва

[21] Г.А.Сатторов, М.И.Левин, М.Л.Цирик. Россия и корруция кто кого? М, 2008. С.15.
[22] Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовноправовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35–40

депутатлар ёхуд тижорат ёки бошқа (шу жумладан, халқаро) ташкилотлар хизматчилари томонидан ўз мансабидан ғайриқонуний равишда фойдаланган ҳолда наф (шу жумладан, номоддий наф) ёки имтиёз олиш ёхуд муайян ҳуқуққа эга бўлиш, шунингдек, мазкур шахсларга бундай наф, хизмат ёки имтиёзларни тақдим қилишдир”[23]

Ушбу ёндашув биз тадқиқ қилаётган тушунча доираси учун анчагина яқин тариф сифатида баҳолашимиз мумкин. Чунки коррупциявий жиноятлар шахсий мақсадларни кўзлаб содир этилишдан ташқари ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш каби масалаларни ўз ичига олади ва коррупциявий жиноятлар фақатгина тамагирлик ниятидагина содир этилмасдан, номоддий мақсадларни кўзлаши ҳам мумкин.

Ушбу фикрларимизни қўллаб қўвваловчи профессор В.В.Лунеевнинг фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, у мазкур масалага нисбатан кенгроқ ёндашиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, “коррупция – порахўрликдан анча кенг бўлган ижтимоий ходисадир. У мансабдор шахс томонидан ўз ваколатларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳолатларни ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти, эркин савдо-сотиқ ҳамда демократия мавжуд бўлган шароитда коррупцияни фақатгина порахўрлик сифатида тушуниш нотўғри бўлади”[24]. Лекин ушбу фикр ҳам биз тадқиқ этаётган тушунча тарифини тўлиқ қамраб олмаган. Чунки ушбу жиноятнинг субъектлари нафақат давлат хизматчилари, балки хусусий секторнинг муайян ваколатга эга бўлган шахслари ҳам коррупциявий жиноятларнинг субъекти бўлиши мумкин.

Ушбу ўринда коррупция ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритишимиз мақсадга мувофиқдир. БМТнинг 2003 йил 31 октябрда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция”нинг

[23] Максимов С. В. Коррупция. Закон. Ответственность. М. 2008. С. 116.
[24] Лунеев В. В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции / М.: Волтерс Клувер, 2005. С. 212

қабул қилиниши коррупция ва унга қарши курашиш жараёни кенг маънода бошлаш берувчи халқаро норма ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса давлатимизда коррупцион омилларга қарши курашиш жараёнларини тезлатиб юборишга асос бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Корупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва унинг 3-моддасида **коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланаши келтириб ўтилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси;
- 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси;
- 1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенцияси;
- 1999 йил 4 ноябрдаги “Коррупцияга учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенциялари ва бошқалар.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясини, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Қонунни самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Президент фармони ва қарори асосида ҳар икки йилга мўлжалланган давлат дастурлари қабул қилинди.

- 2017-2018 йилга мўлжалланган 02.02.2017 йилдаги 2752-сонли Қарори билан;
- 2019-2020 йилга мўлжалланган 27.05.2019 йилдаги 5729-сонли Фармони билан;
- 2021-2022 йилга мўлжалланган 06.07.2021 йилдаги 6257-сонли Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли **“Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони** қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш Агентлиги ташкил этилди.

Фармон билан, Агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

- 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ни босқичма-босқич жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Antikor.uz электрон платформасини жорий этиш;

- коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида

коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022-йил 28-февралдаги Фармони билан 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш жараёнида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатда аниқ, ҳаётий ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилгани мамлакатимизда ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун, жадал ривожлантириш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек буюк мақсадларга хизмат қилади. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”** тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан ҳамда юз устувор мақсаддан иборат бўлган ушбу стратегиянинг 83-84-мақсадлар бевосита коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш жараёнини белгиловчи қуйида келтирилган ислоҳотларни қамраб олган.

**83-мақсад:** Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.

Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш.

**84-мақсад:** Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш.

Коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш,[25] каби мақсадлар ҳам коррупция ва унга қарши курашиш жараёнларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ушбу ўринда келтириб ўтишимиз лозимки, “Коррупциявий хавф-хатар” мавжуд соҳаларни ўз вақтида аниқлаш ҳам ушбу иллатга қарши курашиш ва унинг олдини олишда жуда муҳум ҳисобланади. Ушбу тушунча коррупция тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Мазкур тушунча **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида**, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида” келган[26]. Коррупциявий хавф-хатарлар коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига ёки уларни кенг ёйилишига ҳисса қўшадиган ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади. Шунга ўхшаш тарифни О.Казаченкова келтириб ўтган бўлиб, унинг фиркича, коррупциявий хавф-хатарлар давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига сабабчи бўладиган ҳолатлар, ҳодисалар ва омиллар ҳисобланади[27]. Баъзи олимлар коррупциявий хавф-хатар тушунчасини коррупциявий муаммонинг

---

[25] Қонунчилик маълумотлар миллий базаси, 29.01.2022-й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022-й.
[26] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.
[27] Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: научный и практический пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013. С. 82.

синоними ёки давлат ва жамият фаолиятида қийинчиликлар келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳолашган[28]. В.Астанин мазкур тушунчани давлат хизматчиси фаолияти билан боғлаб, унга давлат хизматчиси томонидан вазифаларини амалга оширишда белгиланган мажбуриятлар, таъқиқлар ва чекловларга риоя қилмаслик шаклидаги коррупциявий хулқ-атвор деб таъриф берган[29]. В.Георгиев эса, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир бўлишининг эҳтимоллик даражаси деб баҳолаган. Юқоридаги олимлар фикрига қўшилган ҳолда келтириб ўтишимиз мумкинки, коррупциявий хавф-хатарлар - давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига сабабчи бўладиган ҳолатлар, ҳодисалар ва омиллар ҳисобланади. Коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган соҳани аниқлаш ва уни тўғри баҳолаш коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Демак, коррупция кўп қиррали, тизимли ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ҳаётининг барча қатламларига, биринчи навбатда, жамият, давлат, тадбиркорлик, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг манфаатлари тўқнаш келадиган, бу борада ўзаро манфаатли ечим топиш осонроқ бўлган соҳаларга таъсир қилади. У жамият, давлат ва унинг ҳуқуқий тизими билан бир вақтда вужудга келади, ривожланади ва ўзгаради.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, коррупция – бу давлат мансабдор шахси ёки бошқа давлат хизматчиси, шу жумладан, судьялар ва депутатлар ёхуд тижорат ёки бошқа (шу жумладан, халқаро) ташкилотлар хизматчилари шунингдек хусусий сектор вакиллари томонидан ўз мансабидан ғайриқонуний равишда фойдаланган ҳолда наф (шу жумладан, номоддий наф) ёки имтиёз олиш ёхуд муайян ҳуқуққа эга бўлиш, шунингдек, мазкур шахсларга бундай наф, хизмат ёки имтиёзларни тақдим қилишдир.

---

[28] http://pravoteka.ru.
[29] 4 Georgiev V. "Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defenceand Security", 2013, Journal of Defense Management, p – 1-2.

Ушбу иллатни бартараф этиш ва ўз вақтида олдини олиш учун коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш хар бир давлат ташкилоти рахбар ҳодимлари, балки оддий аҳолининг ҳам бурчи ҳисобланади. Биз жамиятимизда ушбу муҳитни ярата олсак, коррупциядан ҳоли бўлган жамиятни ярата оламиз.

## 1.2 Коррупцияга қарши курашувчи органлар ва уларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни.

Ҳозирда коррупцияга қарши курашиш жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, нафақат давлат органларининг бутун тизимининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда давлат ҳокимиятининг юқори органлари вакиллари мунтазам оммавий ахборот воситалари ҳамда омма олдида гапирадилар. Буни фуқаролик жамияти вакиллари ҳам тушуниб, давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг коррупцияга қарши ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги зарурлиги халқаро ҳужжатларда, миллий қонунчилигимиздаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида, ушбу фаолият соҳасини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларида ва коррупцияга қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотларда қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назар соладиган бўлсак, 03.01.2017 йилдаги **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун**да жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш,

уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар ажратиб кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра, Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошририши келтириб ўтилган.[30]

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:** Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида ўринга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли **“Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармон**и асосида ташкил қилинган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини

[30] (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга оширишни мақсад қилган Коррупцияга қарши кураш Агентлигининг ўрни беқиёсдир.

Юқорида келтириб ўтилган **“Коррупцияга қарши курашиш тўрисида”**ги Қонуннинг $8^1$ – моддасида ушбу агентликнинг ваколатлари келтириб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид жиноятларни, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади, унинг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг

коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этади;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилайди;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади;

вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига янги ваколатлар ҳам берилди. Эндиликда агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг электрон маълумотлар базаларидан коррупцияга оид

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни олиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки бошқа чораларни кўриш учун коррупция фактлари тўғрисидаги хабарларни юбориш ва натижалари бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумотни талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2021 йилдаги 34-сонли **«Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чоралари ҳақида»ги қарорни** имзолади. Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб агентлик қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланиши келтириб ўтилди:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг электрон маълумотлар базаларидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни олиш;

тадқиқотлар ва маъмурий суриштирувлар ўтказиш ҳамда таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича қўшма ишчи гуруҳларини тузиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ишини қўзғатиш ёки бошқа таъсир чораларини кўриш учун коррупция фактлари тўғрисидаги хабарларни юбориш ва ушбу хабарларни текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумотни талаб қилиб олиш;

резонанс ва муҳокамаларга сабаб бўлган коррупцияга оид фактлар бўйича ишни кўриб чиқаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда матбуот анжуманлари ўтказиш.

Агентликка давлат органлари фаолияти очиқлиги соҳасида юклатилган қўшимча вазифаларни молиялаштиришга кўмаклашувчи Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда ҳамда у юридик шахс мақомига эга бўлмайди.[31]

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга коррупция ҳақида тезкор хабар бериш учун туну кун фаолият юритадиган **«Call-**

[31] https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/07/corruption-agentcy.

**марказ»** ишга туширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда коррупциявий жиноятлар борасида жамоатчиликни хабардор қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилади:

оммавий резонанс ва муҳокамалар, яъни жамиятнинг маълум бир ҳодисага бўлган ҳиссий муносабати, жамоатчилик эътиборини тортган ва турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган коррупцияга оид фактлар акс этган хабарлар бўйича — ўн кун муддатда;

бошқа коррупциявий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида — ҳамкор органлар билан келишувга кўра ҳар чорак ёки ярим йиллик якунлари бўйича;

коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати, тенденциялари, содир бўлиш сабаб ва шарт-шароитлари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида — йил якуни бўйича.[32]

Ҳужжат билан **“Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом** ҳам тасдиқланди. Унга кўра, агентлик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ўрганиш асосида, шунингдек, ўз ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этишга ҳақли этиб белгиланди.

Бироқ, ҳозирда ўз ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, агентликнинг ташкилий тузилмасига эътибор берадиган бўлсак, коррупцияга қарши экспертизани амалга оширувчи ва таҳлил қилувчи алоҳида таркибий тузилма мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-июндаги **“Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

[32] https://napm.uz/oz/about/anti_corruption.

**фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 4761-сонли Қарор**да жами ҳодимлар сони белгиланган бўлиб, улар **50** нафарни ташкил этиши белгиланган. Лекин ушбу нормада қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширувчи тузилма ташкил этиш тартибга солинмаганлиги ушбу тизимдаги муаммолардан бири ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:** Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун**нинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари келтириб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга

оширади.

Ушбу ваколатлар доирасида Адлия вазирлиги кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда ва бунинг натижасида қўйидаги ютуқларга эришди.

- Адлия вазирлиги Ўзбекистоннинг давлат органлари ичида биринчи бўлиб, ISO 37001:2016 фаолиятининг барча йўналиши **“Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими”** халқаро стандартига мувофиқ деб баҳоланди.
- Адлия вазирлиги тизимидаги идораларда коррупцияга оид тезкор хабарларни қабул қилиш учун телеграм ижтимоий тармоғида **“@antikorbot”** номли телеграм боти яратилди. “anticorbot” телеграм канали орқали **945** та хабарлар келиб тушган.
- 27 нафар ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.
- 67 нафар ходим билан профилактик суҳбат ўтказилди.
- “e-study.adliya.uz” электрон ўқув платформасида ўқитиш ишлари ташкил этилди.[33]

Шунингдек, ушбу ваколатлар доирасида Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2 та чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур коррупцияни олдини олиш ва баҳолаш жараёнида кўлаб ютуқларга эришиш омили сифатида баҳоланди.

**Биринчи босқич: жамоатчиликни жалб қилиш ва очиқлик** ҳисобланади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, учта ўзаро боғлиқ соҳа – кадрлар, коррупцияга қарши кураш ва шаффофлик – борасида ўзгариш қилмай туриб, ҳеч қандай давлат органини ривожлантириб бўлмайди.

Вазирлик коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг **биринчи босқичи** 2019 йилнинг 1-ярмида амалга оширилди. Бунда Адлия вазирлиги коррупция хавфлари ва фактларини, ходимларнинг ўз ваколатини суиистеъмол қилиши ёки зарур пайтда ҳаракатсизлиги ҳолатларини аниқлаш мақсадида **кенг жамоатчиликни ёрдамга чақирди**. Шу боис, адлия

[33] https://www.minjust.uz/uz/anticorruption/work_in_progress/?ELEMENT_ID=101655.

органлари ва муассасаларида фуқароларга аудио ва видео ёзув воситаларидан фойдаланишга рухсат берилди. Жамоатчилик назорати ходимларнинг жавобгарлигини ошириш имконини берди.

Вазирлик ҳузурида **коррупцияга қарши кураш кенгаши** ташкил этилди. Коррупция хавфларини баҳолаш услуби тасдиқланди, коррупция хавфига мойил бўлган функциялар (ваколатлар) ва лавозимлар рўйхати тузилди. Адлия органлари ва муассасалари фаолияти бўйича ўтказилган изчил таҳлиллар нафақат коррупция хавфига мойил бўлган йўналиш ва соҳаларни аниқлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича ўз вақтида самарали чораларни қабул қилиш имконини ҳам беради.

**Иккинчи босқич: комплаенс назорат ва идора сиёсати** ҳисобланади. Бунда Сингапур, Франция, АҚШ, Германия ва Латвия тажрибаси, халқаро ташкилотлар ҳисобот таҳлиллари ва тавсиялари ўрганилди. Улар асосида таҳлилий материаллар тайёрланди ва идора дастурига тузатишлар киритилди.

Иккинчи босқич 2019 йилнинг июль ойидан 2020 йилнинг август ойларини қамраб олди. Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати ишлаб чиқилди, унда адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишлари ва ёндашувлари белгиланди. Шу билан бирга, вазирлик тизимида коррупцияга қарши **комплаенс назоратни** жорий этиш бўйича чоралар ҳам қабул қилинди.

Идоранинг комплаенс тизими касбий ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, қонунчилик ва ички тартиб-қоидаларни бузиш хавфини камайтириш ҳамда катта моддий зарарни бартараф этишни кўзловчи огоҳлантирувчи ва профилактик чора-тадбирларни ўз ичига олади.

БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда адлия органлари ва муассасаларида “KPMG International” компаниясининг халқаро экспертларини жалб этган ҳолда, коррупцияга қарши комплаенс назоратни жорий этиш бўйича лойиҳа амалга оширилди. Биринчи навбатда, тизим

доирасида вазирлик ва унинг муассасаларига юклатилган функцияларни бажаришда коррупция хатарлари хавфи даражаси (492 та) бўйича баҳоланди ва таснифланди. Сўнгра уларнинг таъсирини камайтириш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий чоралар қабул қилинди. Хусусан, вазирликнинг 10 дан зиёд ички ҳужжати (коррупцияга қарши курашиш сиёсати, коррупция тўғрисидаги хабарлар билан ишлаш регламенти, хавфларни баҳолашнинг услубий асослари) тубдан янгиланди, вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилди.[34]

Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирлар адлия тизимида ҳамда жамиятимизда коррупциявий хавфларни баҳолаш ва уни олидини олишда жуда муҳум амалиёт ҳисобланади. Лекин ушбу вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупциявий экспертизасини ташкил қилиш ва амалга оишириш билан боғлиқ ваколати коррупцияга қарши курашишда энг муҳум ваколатларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирда коррупцияни юзага келтириувчи сабаблардан бири қонунчиликдаги бўшлиқлар, коллезион нормалар бир сўз билан коррупциявий нормаларнинг мавжудлигидир. Адлия вазирлигининг ушбу фаолиятини олиб боришда айрим камчиликларни мавжудлиги қонунчилигимизда ҳалигача коррупцион омиларнинг мавжудлигига сабаб бўлиб келмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йилнинг биринчи чорагида қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларини тартибга солувчи **226** та қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги ва натижасига кўра, ушбу ҳужжатларнинг **75** тасида **(33 фоизи) 302** та коррупциявий омиллар аниқланганлиги хусусан, қурилиш соҳасидаги **44** та қонунчилик ҳужжатларининг **23** тасида **(52 фоизи) 124** та, соғлиқни сақлаш соҳасидаги **70** та қонунчилик ҳужжатларининг **13** тасида **(19 фоизи) 41** та, олий таълим соҳасидаги **96** та қонунчилик хужжатларининг **27** тасида **(28**

[34] https://www.minjust.uz/uz/anticorruption/work_in_progress/?ELEMENT_ID=101655.

**фоизи) 91** та, давлат харидлари соҳасидаги **16** та қонунчилик ҳужжатларининг **12** тасида **(75 фоизи) 46** та коррупциявий омиллар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинган.[35] Ушбу кўрсаткичларнинг ўзиёқ ушбу соҳада айрим ўзгаришлар қилиш кераклигидан далолат бермоқда.

**Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**: Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда жамиятимизда алоҳида ўринга эга бўлган яна бир давлат органи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментидир. **Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун**нинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;
- жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

[35] Амалдаги қонун хужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўткзишнинг таҳлилий маълумотномаси//[Электрон манба]. http:// t.me/yuz.uz.

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги келтириб ўтилган.

Шунингдек**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармон** билан ушбу органнинг коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ фаолияти мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни, шунингдек, мазкур жиноятлар содир этилиши оқибатида етказиладиган иқтисодий зарарнинг қопланишини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида белгиланган ва Департаментнинг коррупцияга қарши курашиш ва уни олидини олиш билан боғлиқ вазифалари этиб қуйидагилар  белгиланиши келтириб ўтилган.

**биринчидан,** иқтисодий жиноятларга ва коррупцияга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятни комплекс таҳлил қилиш ҳамда қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

**иккинчидан**, давлат манфаатларига зид равишда битимлар тузиш ҳолатларига қарши курашиш, чет эл валюта маблағлари ноқонуний равишда чиқиб кэтии, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноқонуний муомаласи, «хуфёна иқтисодиёт»ни шакллантиришнинг турли схемалари ва каналларини аниқлаш;

**учинчидан**, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг самарали ижро этилишини таъминлаш;

**тўртинчидан**, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш;

**бешинчидан**, иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Лекин ушбу органнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги ушбу органнинг фаолиятини тартибга солувчи нормаларга қўшимча ва ўзгартиришлар

киритишни талаб этмоқда.

Мисол сифатида келтиришимиз мумкинки, ушбу орган ўз фаолияти давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиққан ҳолда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш орқали коррупцияга қарши курашиш ва уни олидини олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириб келмоқда. Лекин, **Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни**да ушбу органнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш билан боғлиқ фаолияти белгилаб ўтилмаган. Бироқ ушбу қонунга эътибор берадиган бўлсак, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи Прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар органларининг ушбу вазифаси қонун билан тартибга солинган. Шу муносабат билан **Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг** 13-моддаси жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш банди билан тўлдирилиши лозим.

## II. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

### 2.1 Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг ечими.

Коррупция ҳозирги давримизнинг глобал муаммоларидан биридир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш стратегиясини амалга оширишга катта даражада тўсқинлик қилувчи, унинг самарали прогрессив ривожланишини ортга сурувчи иллат бу албатта коррупциядир.

Агар бир муддат аввал мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласига доир асосий қонунчилик ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўлган бўлса ва коррупциявий жиноят ҳақида гап кетганда фақат Жиноят кодексининг моддалари кўз олдимизга келган бўлса, эндиликда эса прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш бўйича амалда мавжуд қонунчилик тизими билан бойитилди.[36]

Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонунининг 4- моддасига мувофиқ прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширадилар:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунлар ижросини назорат қилиш:
- қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари;

[36] Мальцев В.В. Актуальные проблемы противодействия коррупции // Актуальные проблемы юриспруденции: сб. ст. по матер. II междунар. науч.-практ. конф. № 2(2). - Новосибирск: СибАК, 2017. - С.81-89

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувларни, суриштирувларни, дастлабки терговларни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижросини назорат қилиш, уларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ ва валюта жиноятлари ва ҳуқуқбузарликларига қарши курашиш, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш;

- қамоққа олинган, қамоққа олинган шахсларни қамоқда сақлаш жойларида, жиноий жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамлигини яратиш мақсадида 2017-йил 3-январда **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 15-мартдаги **“Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сон Фармони** билан “Тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти” Бош прокуратура тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш соҳаси ташкил этилди. Ушбу олиб борилганислоҳотлар замирида прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш жараёнида кўплаб ютуқ ва муваффақиятларга эришиш билан бирга ушбу жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги айрим ҳуқуқий муаммоларлар ҳалигача мавжуд бўлиб, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ривожлантиришга бўлган талаб ушбу муаммоларни ҳал қилиш ва уларни устида фикр юритишини талаб этмоқда.

**Биринчидан**, прокуратура органларининг коррупцичга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасидаги фаолияти асосан қонунчилик устидан назорат ваколати орқали амалга оширилади. Прокуратура органлари коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ва уни олдини олиш жараёнидаги назорат функцияси Ўзбекистон Республикасининг **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун**нинг 9-моддасида келтирилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширилиши келтириб ўтилган. Лекин ушбу ваколат Ўзбекистон Республикасининг **"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида** акс эттирилмаган. Шунга кўра, прокурор назорати тушунчаси ҳамда у тўғрисидаги ёндошувларни қайта кўриб чиқиш зарур.

Биламизки, прокурор назоратининг мақсади алоҳида органлар ва ташкилотларнинг манфаатларини давлат манфаатларига мувофиқлаштиришдан иборат. Прокуратура мамлакатимиз ҳуқуқий маконининг бирлигини таъминлаш ва шу орқали давлатчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим бўғинидир.

Постсовет мамлакатлари ҳуқуқий доктринасида коррупцияга қарши қонунларнинг бажарилиши устидан назоратнинг мазмуни, назорат фаолиятининг турли жиҳатлари учун назарий ва амалиётда ишлаб чиқилган терминологик белгилар орқалигина очиб берилиши мумкин.[37]

Прокурор назоратининг субъекти сифатида турли муаллифлар қонунлар талабларини бажариш, мансабдор шахсларнинг актлари ва хатти-ҳаракатлари, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларини амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш фаолияти билан боғлиқ жамоат муносабатлари деб аташган.

Прокурор назоратини амалга ошириш давлат номидан амалга

---

[37] См.: Коновалов В.А. Роль прокурорского надзора за исполнением законода тельства о противодействии коррупции в системе публичной службы в Российской Федерации // Вопросы российского и международного права. 2014. № 10. С. 55.

оширилади, бу эса прокурор назоратини айрим давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат фаолиятининг бошқа ҳар қандай турларидан тубдан ажратиб туради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамият ҳаётининг барча жабҳаларида назорат ваколатларини амалга ошириш ва қонун бузилишларига қарши курашиш учун мўлжалланган марказлаштирилган органдир.[38]

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати соҳасининг мазмун-моҳиятини тавсифлаб, шуни айтишимиз мумкинки, прокурорнинг ушбу фаолияти доирасига деярли барча жамоат муносабатлари жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа бир қатор, нисбатан кам қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар киради. Суд ҳокимияти фаолиятида вужудга келадиганлар бундан мустасно.[39]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокуратура органларини корруцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида **Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назоратини прокурор назоратининг мустақил йўналиши сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур**, деб ҳисоблаймиз. Бир сўз билан айтганда, **“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг учинчи бўлими “Корруцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш” боб билан тўлдирилиши лозим.**

**Иккинчидан,** коррупцияни юзага келтирувчи ва ушбу иллатни жамиятимиздан таг томири билан олиб ташлашимизга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда икки хил маъnoни

---

[38] Раздел III Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре>> (в новой редакции) Национальная база данных законодательства. 17.10.2017 г., N 03/17/448/0126, 05.04.2018 г., Ne 03/18/470/1005, 24.07.2018 г., Ne 03/18/486/1559; 09.01.2019 г., Ne03/19/512/2435, 16.01.2019 г., Ne 03/19/516/2484, 24.05.2019 г., Ne 03/19/542/317).

[39] Павлов В.Н. Прокурорский надзор за исполнением законов // Журнал Российского права 2001. № 7. с.19.

англатувчи нормаларнинг ҳамда қонунчиликдаги бўлиқларнинг мавжудлигидир.

**Икки хил маънони англатувчи қонунлар** — ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.[40]

Бу эса ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли тарзда коррупцияга қарши экспертизасидан ўтказиш муҳим фаолият эканлиги ва бу соҳада ҳали камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатиб беради.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Разуваев ҳуқуқий экспертиза жараёнининг бир кўриниши ҳисобланган коррупцияга қарши экспертизани шундай таърифлаган. Унинг фикрича, коррупцияга қарши экспертиза процессуал жараёнда етакчи амалиётчи ҳуқуқшунос олимлар билан амалга ошириладиган тадқиқот жараёни бўлиб, бунинг натижасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда қонун нормаларини тўғри ва асосли шарҳлаш, коррупциявий аломатларни бартараф этиш ва самарали тарзда қарор қабул қилиш жараёни сифатида баҳолаган.[41]

Ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияга сабаб бўладиган нормаларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш ва тавсиялар ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун лойиҳаларни коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон

[40] https://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya.
[41] Разуваев А.А. Экспертиза как средство повышения эффективности процесса правореализации (вопросы теорицц и практики): Автореф.дисс. … к.ю.н. – Саратов, 2006.- С.8.

Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 3666-сонли Қарори асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2021 йил 24-февралда 3287-сонли бўйруғи асосида ишлаб чиқилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида Адлия вазирлиги ва унинг қуйи бўғилари томонидан олиб борилмоқда. Мазкур Низом асосида бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини барча давлат органлари ва ташкилотларида бир хил тарзда қўллаб келинмоқда.[42] Ушбу қарорга кўра шартномаларнинг нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, уларда коррупция, бошқа ҳуқуқбузарлкиларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини, уларда ҳуқуқий нормалар мавжудлигини аниқлаш нуқтаи назардан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашда коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияга сабаб бўладиган нормаларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш ва тавсияларни ишлаб чиқиш сингари функциялар юклатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспрертизадан шу жумладан, коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ваколати махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилиши унинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.

---

[42] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 3666-сонли Қарори *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон,*

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" ги Қонуннинг 21-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши қатъийлиги белгиланган . Мазкур Қонуннинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратиладиган ортиқча маъмурий чекловларни ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилини ҳам амалга оширади.

Бироқ, амалда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцион омилларнинг мавжудлиги ва бунинг натижасида мансабдор шахслар томонидан коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига олиб келаётганлиги, дастлабки жараёнда қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти етарли тартибда тўлиқ эмаслиги ҳақида хулосага келишга сабаб бўлмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йилнинг биринчи чорагида қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларини тартибга солувчи 226 та қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги ва натижасига кўра ушбу ҳужжатларнинг 75 тасида (33 фоизи) 302 та коррупциявий омиллар аниқланганлиги хусусан, қурилиш соҳасидаги 44 та қонунчилик ҳужжатларининг 23 тасида (52 фоизи) 124 та, соғлиқни сақлаш соҳасидаги 70 та қонунчилик ҳужжатларининг 13 тасида (19 фоизи) 41 та, олий таълим соҳасидаги 96 та қонунчилик ҳужжатларининг 27 тасида (28

фоизи) 91 та, давлат харидлари соҳасидаги 16 та қонунчилик ҳужжатларининг 12 тасида (75 фоизи) 46 та коррупциявий омиллар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинган.[43]

Ушбу статистик маълумотлардан хулоса қилишимиз мумкинки, амалда ишлаб келаётган жорий тартиб таомилар ўзини оқламаётганлиги ушбу йўналишда ислоҳотларни таълаб қилмоқда ва турли хил таклифларни илгари суришимизга асос бўлади.

Биламизки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ “Меҳнат ва аҳолининг бандлиги тўғрисидаги қонунчилик”, “Хавфсизлик ва ҳуқуқ тартибот муҳофазаси”, “Одил судлов”, “Прокуратура, адвокатура, нотариат, юридик хизмат, адлия органлари, ФҲДЁ органлари”, “Фуқаролик қонунчилиги”, “Уй-жой қонунчилиги, коммунал хўжалик”, “Халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ” йўналишидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган 682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси “иккинчи” бандига[44] кўра, прокуратура органлари тегишли йўналишлар бўйича қонун лойиҳасини ҳар томонлама коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиши лозимлиги келтириб ўтилган.

**Бироқ, жорий қонунчилигимизда, яъни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда жорий амалиёт мустаҳкамлаб қўйилмаган. Бу эса ушбу қонун ҳужжатига қўшимча киритган ҳолда мустаҳкамланишини талаб этмоқда.**

---

[43] Амалдаги қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўткзишнинг таҳлилий маълумотномаси//[Электрон манба]. http:// t.me/yuz.uz.

[44] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуни // Халқ сўзи. – 2021 й., 15 апрел, 682-сон. *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, .03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон.*

Ушбу ҳолатга олимлар фикри билан ёндошадиган бўлсак, рус ҳуқуқшунос олими А.Ю.Винокуров “прокуратура органларида норматив актларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш прокурор назоратининг объектлари ҳисобланади”, деб таъкидлаган.[45] Ю.В.Сидельников эса прокуратурада коррупцияга қарши экспертизани “баҳолаш ва аналитик ҳаракат” сифатида таърифлаб, бир гуруҳ мутахассислар томонидан қонун ҳужжатларидаги коррупциявий бўшлиқларни келтириб чиқарувчи ноаниқликларни олдини олиш сифатида баҳолаган.[46]

Шунингдек, Россия қонунчилигига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Прокуратура органи томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Россия Федерациясининг 1992 йил 17 январдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 2202-I-сони Қонунининг $9^1$-моддасида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби келтирилган бўлиб, унга кўра, Прокурор ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида Россия Федерацияси Бош прокуратураси томонидан белгиланган тартибда ва Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан белгиланадиган методологияга мувофиқ коррупцияга қарши экспертиза ўтказади. Федерал ижро этувчи ҳокимият органларининг, Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг давлат ҳокимияти органларининг, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ҳокимият органларининг, уларнинг мансабдор шахсларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини экспертизасини, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга олиб келадиган омиллар аниқланган тақдирда прокурор ушбу ҳужжатни чиқарган органга, ташкилотга ёки мансабдор шахсга белгиланган коррупцияга олиб келадиган омилларни бартараф эти йўлини таклиф қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш киритиш тўғрисида

---

[45] Винокуров, А. Ю. Требование в системе правовых средств прокурорского надзора /А. Ю. Винокуров // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения: сборсборник статей / под общ. ред.О. С. Капинус, А. В. Кудашкина. — М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2010.

[46] Сидельников Ю.В. Экспертиза сегодня и завтра.- М., 1997.

илтимоснома киритади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги талаб тегишли орган, ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилгунга қадар прокурор томонидан қайтариб олиниши мумкин. Прокурорнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги талаби тегишли орган, ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан сўров олинган кундан еътиборан ўн кундан кечиктирмай мажбурий кўриб чиқилиши керак. Прокурорнинг Россия Федерациясининг таъсис субъектининг давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органига юборилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги талаби кейинги йиғилишда мажбурий кўриб чиқилиши керак. Прокурорнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги талаби устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкинлиги[47] келтириб ўтилган. Юқориддагилардан келиб чиқиб ҳамда хориж амалиётининг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда амалдаги **“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун**нинг 29-моддасига, **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга** ўзгартириш киритиш лозим.

**Учунчидан:** прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида принципларнинг ўрни жуда ҳам муҳимдир. Биламизки, Принцип - лотинча сўздан олинган бўлиб, “principium” яъни,- «қоида», «асос», «асосий, раҳбарий қоидалар, йўл-йўриқлар» деган маънони билдиради. Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради. Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятини тизимлаштириш элементи бўлиб, уларнинг мақоми ҳисобланади. Бу макомнинг асоси- принциплар. Принциплар сифатида прокуратура моҳияти ва мақсадини белгиловчи бошланғич асос назарда тутилади. Бу асосий тамойиллар Узбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура

[47] http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102014157.

тўғрисида»ги Қонунларда акс эттирилган (Конституция-118, 121-моддалар, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси). Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари:

- Бирлик
- Марказлашганлик,
- Қонунийлик,
- Мустақиллик,
- Ошкоралик принципларидир.

Булардан ташқари прокуратура органларининг ички ташкилий принциплари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- Ҳудудийлик
- Предметлилик

Бу борада олимлар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, улар прокуратура органларининг тарихий ривожланиш босқичлари, улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳамда улар фаолиятининг у ёки бу соҳадаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан келиб чиққан. Бу каби фикрлар юзасидан Чувелев, Суҳарева, Басковлар фикр бериб ўтган. Бизнинг фикримизча уларнинг фикрлари мажмуаси прокуратура оганлирини ташкил этиш ва фаолиятининг принциплари тушунчасини кенгроқ ёритиб беради. Шундай қилиб, Прокуратура органларини ташкил этиш фаолияти принциплари (деганда) - бу Конституция ва қонунларда белгиланган асосий талаблар бўлиб, улар прокуратуранинг ва улар ходимларининг сиёсий ва ижтимоий вазифасини, ваколатларини ҳамда давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш усул ва воситаларини, уларнинг ҳажми ва характерини ҳамда прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқ қилувчи белги ва хусусиятларини аниқлайди. Шу принципларга амал қилиш прокуратура органларига ўзининг вазифасини аниқ бажаришга имкон беради.

Принципларни прокурорлик функциялари ва йўналишларини амалга оширишнинг тартиби ва ҳолати билан алмаштирмаслик керак, чунки тамойиллар ўзаро боғлиқ ва ажралмас ҳисобланади. Бундан ташқари прокурор муайян ҳуқуқ соҳасида назоратни амалга оширар экан, шу соҳадаги принципларга амал қилиши лозим.[48] Лекин прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширар экан, унинг ушбу фаолияти коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ принципларни қамраб олмаган ва ушбу принциплар "Прокуратура тўғрисида"ги қонун билан белгилаб қўйилмаган. Шу муносабат билан "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига қуйидаги принципларни киритиш лозим бўлади.

- **Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш**
- **Ҳолислик**
- **Коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлиги,**
- **Сиёсий бетарафлик каби.**

Ушбу принципларнинг **"Прокуратура тўғрисида"**ги қонунда мустаҳкамланиши прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятида қонун устуворлигининг мустаҳкамланишига, ушбу фаолият давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишига, корруцион жиноятларни фош қилишда прокуратура ходимларининг ҳолислигини таъминлашга ҳамда сиёсий бетараф бўлган ҳолда фаолият олиб боришга ёрдам беради.

## 2.2 Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш жараёнида мавжуд ташкилий муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари.

Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш жараёнлари бирмунча ривожланиш тенденциясини бошдан кечираётган даврда ва бу борада прокуратура органларининг роли ўрнини босиб бўлмайдиган даражада

[48] О.М.Мадалиев. "Прокурор назорати". Т:. 2009, Б.103.

аҳамиятли бўлган ҳолатда мамлакатимизнинг зиёли қатлами томонидан прокуратура органларининг ваколатларини чеклаш ёки бўлмаса унинг ваколатларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки муассасаларга олиб бериш билан боғлиқ амалиётни жорий қилиш таклифлари илгари суриб келинмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатлар Ҳуқуқ орқали демократия Европа комиссиясининг (Венеция комиссияси) Қирғизистон Республикаси прокуратурасининг ўхшаш ваколатлари тўғрисидаги ўз фикрида танқид қилинган. Унга кўра, сўнги ўн йилликларда кўплаб пост-коммунистик ҳозирги демократик давлатлар прокурорларни кенг назоратдан маҳрум қилиб, ваколатлар,  имтиёзни бошқа органларга, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий органларига, институтларга ўтказиш йўлини танладилар.

Бундай ислоҳотлардан кўзланган мақсад прокуратура органларининг ҳаддан ташқари ваколатларга эга бўлган ва умуман олганда, ҳеч кимга ҳисобот бермайдиган хизматини тугатишдир. Шу билан бирга, ушбу комиссия прокуратура органларига бундай кенг назорат ваколатларининг берилиши халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ ва Венетсия комиссияси томонидан бир неча бор танқид қилинганини қайд этди. Ушбу масала бўйича турли  фикрлар билан бирга ЕХҲТ ва Венетсия комиссияси юқоридаги сабабларга кўра, прокурорларни назорат функциясидан маҳрум қилишни ва уларнинг ваколатларини жиноий соҳа билан чеклашни тавсия қилди.[49]

Бизнинг фикримизча, ушбу олиб борилган сиёсатни бизнинг мамлакатимиз қонунчилик тизимида ифодалаш ва жорий этиш амалиётидан воз кечиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Чунки ушбу ҳолат ижобий натижаларга олиб келиши мумкинлигини қуйидаги ҳолатлар билан исботлашимиз мумкин.

[49] Совместное заключение по проекту Закона «О внесении изменений в Конституцию Кыргызской Республики», Венецианская комиссия и ОБСЕ/БДИПЧ, 2016, СС. 30-31, доступно по ссылке: https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDLAD(2016)025-rus.

**Биринчидан,** Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул чора-тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистонда ўтказилган 4-раунд мониторинги натижаларига кўра, мамлакатимизга Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг функцияларини босқичма-босқич халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни таъминлаш тавсия этилган.

**Иккинчидан,** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Корруцияга қарши Конвентсиясининг 36-моддасида ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ тарзда коррупция билан ҳуқуқбузарликларга қарши чора-тадбирлар ёрдамида курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёхуд шахслар бўлишини таъминлайди. Бундай орган ёки органлар ёхуд шахслар, иштирокчи Давлатнинг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ, ўз вазифаларини самарали ва бирон-бир ёки тегишли бўлмаган таъсирсиз бажаришлари учун зарур бўлган мустақиллик билан таъминланадилар. Бундай шахслар ёки бу каби органнинг ходимлари ўз вазифаларини бажаришлари учун тегишли малака ва ресурсларга эга бўлишлари лозимлиги келтириб ўтилган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш жараёнларини жадаллаштириш ва янада юқорироқ ва самарали тизим яратиш орқали курашишни талаб қилинган.

Шу муносабат билан коррупцияга қарши курашиш фаолиятида прокуратура органлари тизимидаги мавжуд ташкилий муаммоларни аниқлаш ва уларни олидини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш замон талабидир.

Ушбу жараённи ривожлантириш учун дастлаб тизимда мавжуд муаммоли ҳолатларни аниқлаб олиш лозим.

**Биринчидан:** Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини янада кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этиш давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, коррупция сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

Шу муносабат билан коррупцияга қарши курашиш доирасида мамлакатимизда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этишни таҳлилларимиз доирасида белгилаб олишимиз лозим.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш ва унинг хавфли оқибатларини бартараф этиш ҳар бир давлат ва жамиятнинг асосий вазифасидир. Давлат бу борада ўзининг қонунга асосан ташкил этилган ҳамда фаолият олиб борувчи органлари фаолиятини ташкил этиш ва коррупцияга қарши курашиш фаолияти борасида тегишли қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан ўз вазифаларини бажариб келади. Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлатнинг ҳуқуқий тизимини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий функцияларни бажариш учун тузилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мамлакатдаги ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш билан бирга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш вазифаларини бажаради. Лекин коррупциявий жиноятлар ҳақида гап кетганда юқорида тилга олинган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги мавжуд тартиб-таомиллари яъни содир этилган жиноят учун адолатли жазо тайинлаш ва уларнинг тарбияланиши учун зарурий чораларни кўриш билан боғлиқ фаолияти коррупциявий жиноятларнинг содир этилишини олдини олишни таъминлай олмаяпди. Мисол сифатида Ўзбекистонда 2020 йилда 1723 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилнинг дастлабки 6 ойида 2544 нафар мансабдор шахсга нисбатан коррупция ҳолати билан боғлиқ бўлган 1676 та жиноят ишлари тергов қилиниб судларга юборилган.[50] Коррупциявий жиноятлар дастлабки йилдаги кўрсаткичига кейинги йилнинг 6 ойида этиб олганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ушбу кўрсаткичлар

---

[50] https://daryo.uz 2021/09/24.

жорий амалиёт ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бундай шароитда коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усули сифатида коррупциявий жиноят субъектларини жазолаш, уларни тарбиялаш билан бирга, содир этилаётган коррупциявий жиноятларни олдини олиш амалиётини тизимга кенгроқ олиб кириш мақсадга мувофиқдир. Чунки коррупциявий жиноятларга кимнидир жазолаш билан эмас, балки ушбу жиноятларни юзага келишини олдини олиш билан қарши курашиш ушбу жиноятларни олдини олишда самаралироқдир.

**Иккинчидан**: биламизки, коррупциявий жиноятлар субъектларнинг мақомига кўра,

- Ҳокимият органларидаги коррупция
- Хусусий сектордаги коррупция
- Сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупцияларга бўлинади.

Олиб борилган илмий изланишларга қараганда, коррупция ривожланган жамиятларда унинг қуйидаги турлари тез-тез учрайди:

***– Маиший коррупция, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;***

***– Ишбилармонлик коррупцияси, бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;***

***– Олий ҳокимият органлари коррупцияси, бу демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланади.***

Муаммо шундаки, ҳозирда коррупциявий жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни терговини олиб бориш ҳамда уларни жазолаш жараёни жиноят содир этган шахсларнинг мақомига кўра муҳокама қиладиган бўлсак, фақат ҳокимият органлари ва хусусий сектордаги коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва фош этиш билан чекланиб қолмоқда. Жамиятимизнинг юқори қатламини ташкил этувчи Олий ҳокимият

органлари коррупцияси, бу демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятидаги мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятларини фош этиш ва уларга тегишли таъсир чораларини қўллаш кўлами паст кўрсаткичда бўлиб, бу давлат органларига нисбатан фуқароларнинг ишончсизлигига сабаб бўлмоқда. Ушбу қатлам мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупциявий жиноят халқаро ҳуқуқда *grand corruption* деб номланиб, бунинг оқибатлари давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, жамиятда мавжуд соҳаларга ажратилиши лозим бўлган турли кўринишдаги қийматликлар ўзлаштирилиб борилиши натижасида жамият емирилиб бораверади.

Катта коррупция (*grand corruption*) - бу юқори даражадаги ҳокимиятни суиистеъмол қилиш бўлиб, у кўпчилик ҳисобига озчиликка фойда келтиради. Инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши каби жиддий зарар келтирадиган юқори даражадаги давлат амалдорлари иштирокидаги тизимли ёки яхши ташкил этилган ҳаракатлар режасидир.

Мисол учун шифокор беморни кутиш рўйхатига кўчириш учун пора олади. Бу аниқ коррупция, лекин жамият учун ката хавф туғдирмайдиган майда коррупция *(petty corruption)* ҳисобланади. Аксинча, соғлиқни сақлаш вазири бошқа давлат амалдорлари ва виждонсиз компаниялар билан биргаликда мамлакатнинг бутун шифохона тизимидан ресурсларни ўз чўнтагига мунтазам равишда йўналтириш учун ишлаганда - бу катта коррупциядир.[51]

Ушбу ҳолатда, янги шифохоналар қуриш ёки янги тиббий асбоб-ускуналар олиб келиш бўйича давлат шартномалари тузилиши уларнинг юқори даражадаги таъсир туфайли вазирнинг яқинларига тегишли бўлган малакасиз компанияларга берилишига олиб келиши мумкин. Бу компанияларга нархларни ошириб юбориш ва ноқонуний даромадларнинг бир қисмини коррупцияга ботган вазирлик ходимларига қайтаришга рухсат

[51] 0.1057/9781137335098 - Understanding and Preventing Corruption, Adam Graycar and Tim Prenzler.

берилиши мумкин.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, йирик коррупция ҳолатларининг аксарияти молиявий активларни яширин равишда кўчириш учун аноним қобиқ компанияларидан фойдаланишни ўз ичига олади.[52]

Одатда катта коррупциявий жиноят содир этишда юқори мансабдор шахслар ўз фаолиятини қонунийлаштириш, назорат ва ижро функцияларини заифлаштириш учун ўзининг қонун чиқарувчи ва тартибга солиш ваколатларидан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, катта коррупция билан шуғулланувчилар адлия тизимига бевосита аралашиш ва жавобгарликка тортилишнинг олдини олиш учун ижро этилишига тўсқинлик қилиш орқали жазосиз қолишдан фойда кўради. Давлат назорати воситаларидан фойдаланиб, улар фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларининг коррупцияни текшириш ва фош қилиш бўйича мустақил саъй-ҳаракатларини ҳам бостириши мумкин.[53]

Қисқача қилиб айтганда, катта коррупциянинг екстремал тизимларида "бутун ҳукумат шахсий бойиб кэтидан бошқа ҳеч қандай бизнесни кўзламаган жиноий ташкилотга айланди ва шу мақсадда давлат ҳокимиятининг муҳим механизмларини ўз манфаати йўлида қайта жиҳозлайди".

Сўнгги йилларда тобора кўпроқ давлатлар ва халқаро ташкилотлар катта коррупцияни замонамизнинг асосий бошқарув муаммоси сифатида тан олдилар. Катта коррупцияга қарши самарали курашиш учун уни олидини олиш бўйича кўплаб ишларни амалга оширишимиз лозим.

**- Катта коррупцияни миллий даражадаги махсус жиноий, фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий чоралар, шунингдек, потенциал халқаро тузилмалар билан шуғулланиш учун асос сифатида қўллашни тарғиб қилишимиз лозим. Бу жабрланувчиларга катта коррупцияга**

[52] https://www.transparency.org/en/our-priorities/grand-corruption.
[53] https://www.transparency.org/en/our-priorities/grand-corruption.

**алоқадор барча шахсларни жавобгарликка тортиш учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун уларни фош қилувчи ва судгача бўлган протцессда ўзининг қатъий белгиланган позициясига эга бўлган ва бошқа давлат органларидан мустақил бўлган антикоррупциявий прокуратура ташкил этишимиз лозим.**

**- йирик коррупция бизни барқарор ривожланишдан қандай маҳрум қилишини ва инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши билан боғлиқлигини кўрсатиш учун оммавий ахборот воситаларининг бутун арсеналидан фойдаланишимиз ушбу жиноят субъектларини содир этган жинояти учун жазоланганлик билан боғлиқ ҳолатларини тизимли ва узликсиз таризда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш жараёнларига антикоррупциявий прокуратура масъул бўлиши ва статистик маълумотлар билан узликсиз таъминлаб бориши лозим.**

Биз жорий қилишни таклиф этаётган амалиёт Украина амалиётига жуда яқин бўлиб, коррупцияга қарши курашишда кўплаб афзалликларнин келтириши мумкин. Ушбу давлатнинг **“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида** прокуратура тизими тўлиқ келтириб ўтилган бўлиб, улар қуйидагича талқин қилинган:

1. Бош прокуратура;
2. Вилоят прокуратуралари;
3. Туман прокуратуралари;
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура.

Зарур ҳолларда Бош прокурорнинг қарори билан ихтисослаштирилган прокуратуралар Бош прокуратуранинг таркибий бўлинмаси сифатида, вилоят прокуратуралари — вилоят прокуратурасининг бўлинмаси сифатида, туманлар прокуратуралари — бўлинма сифатида тузилиши мумкин.

Ихтисослаштирилган прокуратура органларининг рўйхати, тузилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, уларнинг мақоми,

ваколатлари, тузилмаси ва штат жадвалини белгилаш Бош прокурор томонидан амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратурани ташкил этиш ва фаолиятининг хусусиятлари ушбу Қонуннинг $8^1$-моддасида белгилган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратурани шакллантириш, унинг тузилмаси ва штатларини белгилаш Бош прокурор томонидан Украинанинг Коррупцияга қарши курашиш миллий бюроси директори билан келишилган ҳолда амалга оширилиши келтириб ўтилган.

Шунга ўхшаш амалиёт Молдавия Республикасида ҳам мавжуд бўлиб, ихтисослаштирилган прокуратура органлари муайян аниқ соҳаларда фаолият юритади ва ўз ваколатларини Молдавия Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширади. Прокуратура тизимида Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси, Уюшган жиноятчилик ва алоҳида ишларга қарши курашиш прокуратураси фаолият юритади. Ихтисослаштирилган прокуратура органларининг ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти махсус қонунлар, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

# III. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

## 3.1 Ривожланган хорижий давлатларда прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир илғор тажрибалари.

Коррупция иқтисодиёт ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу авваламбор ҳокимият ва маъмуриятнинг емирилишини келтириб чиқаради. Ушбу муаммоли ҳолатни тизимли ва мақсадли олдини олиш мақсадида коррупциявий омиллар энг кам деб ҳисобланувчи ҳамда **“Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингида** юқори ўринларда турувчи давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда коррупция нафақат иқтисодий, балки сиёсий соҳада ҳам асосий бўғин ҳисобланади. Бу давлат обрўсини сезиларли даражада пасайтиради, жамият соҳаларини тартибсизлантиради. Бироқ бугунги кунга қадар дунёнинг ҳеч бир давлати бу хавфли ҳодисани ҳатто унга қарши фаол кураш олиб бориш билан ҳам тўлиқ бартараф эта олмади. Бу соҳа мутахассислари томонидан “Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга қаратилган кўплаб халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди”[54]. Унга қарши курашнинг мураккаблиги шундаки, коррупция нафақат жиноий муҳитни, балки сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ҳам қамраб оладиган ҳодисадир. Шу муносабат билан унга қарши самарали курашиш, давлат ва жамият томонидан коррупцияга қарши курашнинг умуммиллий сиёсатига асосланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқалигина ҳаётнинг турли соҳаларида коррупцияни

[54] Лафитский, В. И. Коррупция в Евразийском экономическом союзе: общее наследие, противодействие и новые вызовы // Законодательство и экономика. – 2016. – № 8. – С. 7–20.

шакллантирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф эти мумкин бўлади. Коррупция кўплаб хорижий мамлакатларда ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган, унинг халқаро характери ҳамма томонидан эътироф этилган. Жаҳон ҳамжамияти коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга интилмоқда. У узоқ йиллар давомида жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида коррупция кўринишларига қарши кураш олиб боради, порахўрлик, унга суиқасд ёки унга шериклик учун жазолаш тартибини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди. 2021-йилги статистик маълумотларга кўра, коррупциянинг энг паст даражаси Дания, Янги Зеландия ва Финляндияда қайд этилган. Аксинча, собиқ Иттифоқ мамлакатларида бу корсаткичлар учун юқори коеффициент белгиланган. Россия ушбу рўйхатда 176 та давлат орасида 134-ўринни эгаллайди.[55] Бу коррупциянинг катта улушидан, унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик тизимининг етарли даражада ривожланмаганидан далолат беради. Бу давлатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятни ҳам Коррупциянинг гуллаб-яшнашининг зарурий шартларидан бири сифатида ўз ичига олиши керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар БМТ Бош Ассамблеясида 2003 йил 21 ноябрдаги A/REC/58/4 резолюциясида коррупция жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солади, демократик институтлар, ахлоқий қадриятлар, адолатга ҳамда ҳуқуқий давлатнинг барқарор ривожланишига путур етказади ва зарар келтиради, деб таъкидлади.[56]

**Финландия** коррупцияга қарши курашиш борасида энг юқори рейтингга эга давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда фуқаролик жамияти сезиларли даражада ривожланган бўлиб, бу аҳоли эътиборини ҳар қандай жиддий муаммога жалб қилишга ёрдам беради. Бу коррупцияга қарши сиёсатнинг асосий тамойили, шунингдек, мансабдор шахслар

---

[55] Рейтинг стран по уровню коррупции [Электронный ресурс] // Сайт «Собираемся в дорогу: информационный портал». – Режим доступа: http://gotoroad.ru/best/corruption. (дата обращения: 13.04.2018).

[56] Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2018. – № 1. − С. 22−23. 2. Конвенция Организации Объединённых Наций против коррупции : принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г. // Собрание законодательства Российской Федерации. – 2006. – № 26. − Ст. 2780.

томонидан қарор қабул қилишнинг очиқлиги ва шаффофлиги, давлат хизматчиларининг муносиб иш ҳақи даражаси, “ижтимоий пакет” (пенсия ва ишдан бўшатиш нафақалари) мавжудлиги ҳамда унинг миқдори иш стажига қараб белгиланади. **Коррупцияга қарши курашнинг асосий тамойиллари Финландия давлати Конституциясида белгиланган** бўлиб, барча давлат ҳокимиятида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат хизматчиларини ваколати, қобилияти ва тасдиқланган фуқаролик дахлсизлиги асосида тайинлаш асосий тамоио сифатида келтириб ўтилган.[57]. Ушбу давлатда қабул қилинган **“Давлат хизматчилари (мансабдор шахслари) тўғрисида”ги қонунда** мустаҳкамланган қоидага кўра, **мансабдор шахсларга ўзлари ишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатдор шахслар ҳисобидан совғалар, ноз-неъматлар олиш, кўнгилочар хизматлардан фойдаланиш тақиқланади.**[58] Финландиянинг жиноий қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, жиноий жазолар ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги турлари бўйича тайинланади: давлат хизматчиси томонидан пора олиш ёки уни беришга мажбурлаш, шунингдек, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, расмий қалбакилаштириш, далилларни сохталаштириш, ёлғон гувоҳлик бериш ёки расмий матнни нотўғри таржима қилиш учун пора олиш ва ҳоказолар.[59]

Финландия прокуратурасининг коррупцияга қарши курашишдаги роли прокуратура жиноий ишлар бўйича жавобгарликнинг амалга оширилишини назорат қилиш мажбуриятини олади, бу ҳам унга эътибор қаратилаётган ишни баҳолаш орқали, ҳам кейинчалик судларда гумон қилинаётган айбдорга қарши айблов қўйиш орқали намоёб бўлади. Демак, гумон қилинувчи шахслар ўз қилмишлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликни тортилиши прокурорлар зиммасидадир. Бу

[57] Конституция Финляндии от 11 июня 1999 года [Электронный ресурс] // Сайт «Конституции государств (стран) мира». – Режим доступа: http://worldconstitutions.ru.
[58] Зенков, М. Ю. Зарубежный опыт управления: Государственная служба : учебное пособие. – Новосибирск : НГАУ, 2004. – 130 с
[59] Зарубежный опыт борьбы с коррупцией [Электронный ресурс] // Сайт «История новой России». – Режим доступа: http://www.ru-90.ru/node/1485.

мустақил суд тизимининг турли даражаларига бириктирилган институт ҳисобланади. Прокурорларнинг асосий вазифаси жиноят ишларини судга тақдим этидан иборат. Ушбу давлатда “Терговга қадар текширув тўғрисида”ги Қонун мавжуд бўлиб, унинг 15-моддасида, жиноят иши шахс томонидан содир этилганликда гумон қилинса, милиция прокурорга хабар беради. Оддий ҳолатларда хабар бериш мажбурияти йўқ. Юқоридаги қонуннинг 15-моддаси прокурорга полицияга муайян тергов ҳаракатларини бажаришни буюриш ҳуқуқини беради. Бироқ, прокурор буни қилган тақдирда ҳам, иш бўйича масъул полиция ходими тергов раҳбари бўлиб қолади. Амалда, оғир жиноятлардан ташқари, прокурорлар жиноий ҳуқуқбузарликларни тергов қилишда фаол рол ўйнамайдилар, бу вазифа асосан полиция томонидан амалга оширилади. Мавжуд далиллар асосида ишни судга топшириш керакми ёки йўқми, ҳал қилишда прокурорлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Суд процессида прокурорнинг роли ҳам жуда кучли, чунки Финландия жиноят процесси соф қарама-қаршиликка асосланган.[60]

Ушбу давлат прокуратура тизими деярли бизнинг прокуратура тизимимизга яқин ҳисобланиб, коррупцияга қарши курашиш унинг асосий вазифаси судларда давлат айбловини қуватлашдир. Ушбу давлатни коррупциядан ҳоли давлатлар қаторида деб ҳиссобланишига давлатда жамоатчилик назоратининг жуда ҳам тизимли ва кучли йўлга қўйилганлигидир.

**Дания** давлати коррупциянинг минимал даражаси бўйича дунёдаги энг яхши учта рейтингдан бирини эгаллаган бўлиб, давлат ва тижорат секторининг ўзаро таъсири орқали коррупцияга қарши курашишда энг катта ютуқларга 2000 йиллардан бошлаб эришган. Бироқ, ўтказилган бир қанча ислоҳотларга қарамай мамлакатда коррупция ҳолати оз бўлса ҳам сақланиб қолмоқда. Бу ҳолатлар кўпроқ Дания компанияларининг хорижий майдондаги фаолиятига боғлиқ бўлиб, давлат ва бизнес ўртасидаги

[60] Evaluation Report on Finland, adopted by GRECO at 5th Plenary.

коррупцияга қарши ҳамкорликнинг асосий аҳамияти халқаро савдо муаммоларига қаратилган. 2020 йилда Жаҳон банки ва Форбс журнали томонидан Дания Европада бизнес учун энг яхши жой сифатида этироф этилган.

Ушбу давлатда коррупцияга қарши кураш тизими кўп жиҳатдан ахлоқ ва ҳалолликка оид норасмий қоидаларга, шунингдек, ижтимоий меъёрлар ва жамоатчилик назоратига асосланади. Коррупцияни олдини олиш, илғор маъмурий амалиётни тарғиб қилиш ва қонунчилик базасига риоя қилиш назорати бир қатор ваколатли органлар шуғулланиб келмоқда. Жумладан, Молиявий назорат органи, Парламент Омбудсман ва Бош аудиторлар. Бош вазир девони давлат хизматчилари ва вазирлар ўртасида ҳалолликни таъминлаш бўйича масъулиятга эгадир. Шунингдек, Данияда полиция порахўрлик ва коррупцияни тергов қилиш учун жавобгардир. Ишнинг ҳолатларига қараб, уни оғир иқтисодий ва халқаро жиноятлар бўйича давлат прокурори ёки Дания полициясининг 12 та туманларидан бири кўриб чиқиши кераклигини аниқлайди. **Оғир иқтисодий ва халқаро жиноятлар бўйича давлафт прокурори молиявий ва халқаро жиноятларни тергов қилиш ва таъқиб қилиш учун махсус бўлинма ҳисобланади. Ушбу давлат прокурори Дания давлат прокуратурасининг махсус бўлинмаси ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари оғир иқтисодий жиноятларга оид ишларни, масалан, катта миқдорда пул маблағлари билан боғлиқ ёки уюшган жиноятчиликка оид ишларни тергов қилиш ва таъқиб қилишдан иборат**.[61]

Дания жиноят қонунчилигига эътибор берадиган бўлсак, порахўрлик ва коррупцияга оид асосий қоидалар Жиноят кодексининг 122, 144 ва 299[2] моддаларида келтирилган бўлиб, давлат ва хусусий секторда порахўрлик бир биридан фарқланган ҳолда келтириб ўтилган. Давлат секторидаги

---

[61] Brings together representatives of the Ministry of Justice, the Prosecutor General, the SØIK, the Ministry of Foreign Affairs, the Ministry of Finance, etc. with the goal of improving co-ordination and information sharing between authorities in the context of the fight against corruption.

порахўрлик билан боғлиқ ҳолда, 122-моддада жиноий жавобгарликка тортиладиган фаол порахўрлик ва 144-моддада жиноий жавобгарликка тортиладиган пассив порахўрлик ўртасида фарқланади [62]ва фаол порахўрлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик **Оғир иқтисодий ва халқаро жиноятлар бўйича давлат прокурори томонидан тергов ва таъқиб қилинади.**

**Ушбу давлат амалиёти шундан далолат берадики, жамиятда коррупцияга моил сектор ходим ва раҳбарларига моддий эҳтиёжни юқори коэффициентда таъминлаш яъни ҳеч қандай коррупция орқали эришилиши мумкин бўлган эҳтиёжга ўрин қолдирмасликда ҳамда коррупцион жиноятларни турига қараб тоифалантирган ҳолда қонунчиликда акс эттириш ва уларни тергов ва таъқиб қилиш ваколатини алоҳида органга ёки органнинг махсус бўлинмаларига беришда намаён бўлмоқда.**

**Германияда** коррупцияга қарши кураш самарадорлиги кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. Айтиш жоизки, Республикада давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида содир этилган жиноятлар улуши хусусий тадбиркорлик **(56%)**га нисбатан анча паст **(35%)**. Коррупция феноменини бартараф эти самарадорлиги бўйича Германия дунё мамлакатлари орасида 12-ўринда. Чунки давлат хизматчиларини жиноят содир этидан, шу жумладан мансабдор шахс томонидан барча имтиёзлардан маҳрум бўлишдан сақлайдиган қатъий чоралар тизимини ишлаб чиқди.[63] Яъни коррупциявий жиноят содир этган мансабдор шахс пенция олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. **Германиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимида давлат ғазнаси ва рақобат коррупция реестри орқали ҳимоя қилинади, ҳомийлик натижасида ишдан бўшатилган мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун беш йилга тақиқ қўйилади, қонунлардаги бўшлиқлар ва зиддиятлар доимий**

[62] https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=29d3d486-e30d-48b4-8aba-e3cd746737a3.
[63] Рейтинг стран по уровню коррупции [Электронный ресурс] // Сайт «Собираемся в дорогу: информационный портал». – Режим доступа: http://gotoroad.ru/best/corruption.

**равишда йўқ қилинади.** Германия давлатида телефон суҳбатлари устидан ваколатли назорат тизими мавжуд ва коррупцияга қарши курашда ёрдам бериш учун махсус марказлар ташкил этилмоқда. Коррупцияга оид жиноятлар ёки уларга суиқасд ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотлар келиб тушадиган “Ишонч телефонлари” ишлаб чиқилмоқда ва ниҳоят, ўз-ўзини бойитиш ва субъектив ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида назорат доимий равишда кучайтирилмоқда. Ушбу давлатда 1997 йилда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун кучга кирди, унга кўра Германия Жиноят кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Натижада жиноий ҳуқуқбузарликлар тоифасига кирувчи қилмишлар доираси кўпайди: нафақа олиш, бурчни бузганлик учун пора олиш, ваъда, фойда таклиф қилиш, бурчни бажармаганлик учун пора бериш; иқтисодий муомалада пора олиш ва бериш.[64] Федерал ҳокимият органларининг иши соҳасидаги чора-тадбирларни тўғри ташкил эти учун "Федерал ҳукумат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича федерал ҳукумат директиваси" деб номланган янги ҳужжат қабул қилинди, унда коррупцияни олдини олишга қаратилган қуйидаги қоидалар акс эттирилган: аудит шаклида ички назоратни кучайтириш, бажарилиши коррупцион хатти-ҳаракатлар содир эти имкониятини берувчи шахсларни лавозимларга тайинлашда пухта ёндашиш, федерал орган раҳбарияти томонидан расмий назоратни кучайтириш, коррупцияга энг мойил бўлган лавозимларни эгаллаган ходимларнинг ротацияси.[65] Нисбатан яқинда Европа Иттифоқи мамлакатларида Коррупцияни енгишнинг янги усуллари жорий этилди. Бу миллий жиноят ҳуқуқининг экстратерриториаллик тамойилининг жорий этилиши эди. У қуйидагича ифодаланган: **“Давлат чегарасидан ташқарида содир этилган мансабдор шахсга пора бериш ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши мумкин”.** Бу эса аҳолининг кенг доирасини масъулиятга жалб

[64] Уголовный кодекс Германии [Электронный ресурс] // Сайт «Юридическая Россия : федеральный правовой портал». – Режим доступа: http://law.edu.ru/norm/norm.

[65] Директива Федерального правительства по предупреждению коррупции в федеральной администрации МВД ФРГ от 30 июля 2004 г. [Электронный ресурс] // Сайт «BMI: Bundesministerium des Innern». – Режим доступа: http://www.bmi.bund.de/SharedDocs/Downloads.

этига, жаҳон ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар интеграциясига хизмат қилмоқда. Бироқ, Германия давлат хизмати қонунчилигининг қатъий доирасига қарамасдан, давлат хизматчиларининг чекловлари муносиб давлат мукофоти ва бошқа тўловлар, ишнинг барқарорлиги ва мартаба ўсишини, шунингдек, турмуш даражасининг юқори даражасини таъминлайдиган ижтимоий кафолатлар билан қопланади.

Скандинавия мамлакатлари тажрибасини ёритиб, **Швециядаги** коррупцияга қарши кураш амалиётига тўхталадиган бўлсак, бу ерда жамиятни коррупцияга қарши хатти-ҳаракатларга ундайдиган мукофот тизими ўзига хос хусусиятдир. Буларга имтиёзлар ва субсидиялар, давлат ички ҳужжатларидан очиқ фойдаланиш имконияти мавжудлиги, мансабдор шахслар учун юқори ахлоқий меъёрлар, суд-ҳуқуқ тизимининг шаффофлиги, давлат хизматчиларининг юқори ҳақ тўланиши киради.[66] Европа давлатларида Коррупцияга қарши кураш бўйича иш тажрибаси кўп йиллардан буён амалга оширилиб келинмоқда ва шу билан бирга у ўзининг муҳим натижаларини бермоқда. **Порахўрликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигининг асосий устунлиги ривожланган фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг коррупцияга қарши сиёсатда иштирок этишининг юқори даражаси**, шунингдек, мансабдор шахсларни рағбатлантириш тизимидир, бу эса мансабдор шахсларнинг жиноят содир эти мотивларига эга бўлишига тўсқинлик қилади. Деярли барча мамлакатларда ҳар қандай фуқаро мансабдор шахснинг даромадлари ва мол-мулки ҳақида маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу нафақат ҳукумат, балки жамият томонидан ҳам назоратни кучайтиришга ёрдам беради.

**Украина** давлати тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Украина давлати аҳолининг қонун устуворлигига бўлган ишончини амал билан

[66] Смирнова, Т. С. Особенности организации антикоррупционной деятельности в органах местного самоуправления зарубежных государств (на примере Швеции) [Электронный ресурс] // Вестник Марийского государственного университета. Сер. Исторические науки. Юридические науки. − 2015. https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-organizatsii-antikorruptsionnoy-deyatelnosti-v-organahmestnogo-samoupravleniya-zarubezhnyh-gosudarstv-na-primere.

қайтариш мумкинлигини тан олган ҳолда прокуратура хизматини ҳар томонлама ўзгартиришга эришиш учун халқаро ҳамкорлари билан бирга Украина Президенти ва парламентининг юқори даражадаги ёрдамидан фойдаланиб келмоқда ва бунинг натижасида ҳалоллик, профессионаллик ва мустақиллик билан ажралиб турадиган замонавий Европа прокуратура хизматини барпо этувчиислоҳотларга оид қарашларни қабул қилган. 2021-2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ушбу қарашни ўзида мужассамлаштирган ҳолда учта ўзаро боғлиқ стратегик йўналишга қаратилган: профессионаллар жамоасини шакллантириш; ҳалолликнинг енг юқори стандартларини қўллаш ва далилларга асосланган жиноий одил судлов сиёсатини қўрқмасдан амалга ошириш кабилардир. Бундан ташқари, Украина давлатида коррупцияга қарши курашиш учун малакали ходимлар зарур шиори остида ўтказилган Прокурорларни қайта аттестациядан ўтказилиши ҳам ушбу жараёнда катта муваффақиятларга сабаб бўлиб хизмат қилган.

Бундан ташқари, Украина давлатининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонуни мавжуд бўлиб, унга асосан давлатда Коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи Коррупцияга қарши ихтисослаштирилган прокуратуралар ташкил этилган ва у Украинанинг коррупцияга қарши жиноий одил судлов тизимининг асосий элементларидан биридир.[67]

Шунингдек, мамлакатлар Коррупцияга қарши курашда Коррупцияга қарши кураш комиссиялари ва агентликларига тобора кўпроқ умид қилинмоқда. Франклин De Vrieze ва Luka Glušac Украинадаги коррупцион ҳолатни ўрганиб, мамлакат прокуратура тизими ва коррупцияга қарши кураш агентлигининг юқори даражадаги коррупцияга қарши курашдаги ролини баҳоламоқда.[68]

---

[67] https://www.atlanticcouncil.org/blogs/ukrainealert/a-new-vision-for-ukraines-prosecution-service.

[68] https://www.ohchr.org.

Ушбу давлатда юқори даражадаги коррупцияни тергов қилиш ва таъқиб қилиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш ва юқори даражадаги коррупция учун жазодан қочмаслик маданиятига қарши курашиш учун муҳим қонунчилик ислоҳотларини амалга оширди. Судгача бўлган тергов ва таъқиблар бўйича янги автоном органлар – **Украина Миллий коррупцияга қарши бюроси** (НАБУ) ва **Коррупцияга қарши ихтисослашган прокуратура** (САПО)нинг ташкил этилиши Украинада **юқори даражадаги коррупцияга** қарши курашда муҳим қадам бўлди. Ушбу оранларнинг мустақиллиги қуйидаги йўллар билан кафолатланади.

**Биринчидан,** Украина Миллий коррупцияга қарши бюроси директорини танлов асосида танлашнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида, шунингдек, унинг ваколатларини тугатиш сабабларининг тўлиқ рўйхатида назарда тутилган.

**Иккинчидан,** Украина Миллий коррупцияга қарши бюросининг бошқа ходимларини танлашнинг танлов асослари, уларнинг алоҳида ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси ҳамда муносиб иш ҳақи шартлари қонун ҳужжатларида белгиланган ва барча учун очиқ ҳисобланади.

**Учинчидан,** Украина Миллий коррупцияга қарши бюросини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш тартиби аниқ ва қонун билан белгиланган. Украина Миллий коррупцияга қарши бюроси ходимларининг шахсий хавфсизлигини, уларнинг яқин қариндошлари ва мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш воситалари мавжуд.

**Украина Миллий коррупцияга қарши бюроси** муваффақияти учун асосий тўсиқ - бу унинг ишларини кўриб чиқиш учун тўғри ишлайдиган суд тизимининг йўқлиги. 2020 йил апрел ойига қадар НАБУ САПО билан ҳамкорликда юқори даражадаги коррупция ишлари бўйича, шу жумладан Украинадаги жамоат арбобларига қарши 892 та дастлабки терговни бошлади. Бироқ, бу ишлар бўйича судланганлик даражаси жуда паст бўлиб қолмоқда - 38 та. Европа Комиссиясига кўра, ишларнинг катта қисми Украинанинг

оддий судларида блокланган. Ҳозирга қадар ҳеч бир юқори мартабали амалдор Коррупцияда айбланмаган.[69]

Хориж амалиётини ўрганиш натижалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида коррупциявий жиноятлар тоифавий турлари аниқ келтирлган ҳолда талқин қилиниши ҳамда сиёсий амалдорлар томонидан содир этиладиган йирик коррупциявий жиноятларни таъқиб қилишни ҳамда тергов қилишни амалга оширувчи алоҳида, барча давлат органларидан мустақил бўлган давлат органини ташкил этиш мақсадга мувоффиқ ҳисобланади. Шунингдек, ушбу органнинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби, уларнинг мустақиллиги ҳамда хавфсизлигини белгиловчи нормаларнинг қонунчиликда акс этиши ҳамда барча жараёнлар шаффоф амалга оширилиши лозим деган хулосани кўрсатди.

## 3.2 Прокуратура органларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ривожлантириш истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ҳамда хориж амалиётини ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, ҳозирда жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш жараёнини аҳолининг барча қатлами доирасида олиб бориш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жамиятимизнинг энг юқори қатламида турувчи мансабдор шахслар бир сўз билан айтганда конститутциявий давлат органлари ва муассасаларнинг мансабдор шахсларини коррупциявий жиноят содир этишларини олдини олиш ва уларни содир этган жинояти учун жавобгарликни муқаррарлигини таъминлаш бирдек муҳум ва ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш жараёнидаги энг асосий тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда.

[69] https://blogs.lse.ac.uk/europpblog/2020/07/28/combating-corruption-in-ukraine-are-the-countrys-parliament-and-anti-corruption-agency-up-to-the-task.

Ушбу муаммоли ҳолатни бартараф этиш ва шу соҳада юқори мақсадларга эришиш учун прокуратура тизими доирасида коррупцияга қарши кураш прокуратураларини жорий қилиш лозим. Ушбу прокуратура органининг мустақиллигини ҳамда турли ҳил сиёсий тазйиқлардан ҳоли бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланадиган, доимий асосда фаолият юритувчи, прокуратура органлари ҳодимлари орасидан юксак салоҳиятли, кўп йиллик меҳнат амалиётига эга кадрлар орасидан тайинланиши ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Президентига ҳисобдорлиги ўрнатилиши таъминланиши лозим. Таклиф этилаётган ушбу амалиётга таққослама сифатида хорижий давлатлар амалиётини келтириб ўтишимиз мумкин.

Мисол учун, **Сингапурда** доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган орган – сиёсий ва функционал мустақилликка ега бўлган Коррупсия ҳолатларини қидириш бюроси (ингл. Соррупт Прастисес Инвестигатион Буреау) 1952 йилда ташкил етилган бўлиб, коррупцияга қарши курашишда муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўради, бунда мансабдор шахсларга берилган ҳар қандай шаклдаги “мукофот ёки совға” коррупция сифатида қаралади. Бюро мансабдор шахслар орасида суиистеъмолчилик ҳолатларини текширади ҳамда улар ҳақида тегишли органларга жавобгарлик чораларини кўриб чиқиш учун хабар беради. Бюро бошқарув тизимидаги еҳтимолий камчиликларни аниқлаш мақсадида коррупция ҳолатларига йўл қўйиши мумкин бўлган давлат органларининг иш усулларини ўрганиб, таҳлил қилиб боради. Ушбу давлат органлари фаолиятида аниқланган камчиликлар коррупция ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган тақдирда, Бюро мазкур идоралар раҳбарларига тегишли чораларни кўриш ҳақида тавсиялар беради.

**Корея Республикасида** эса Коррупсияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия (ingl. Anti-Corruption and Civil Rights Comission) фақат

Президент олдида ҳисобдор ҳисобланади, ушбу комиссия мамлакатда антикоррупцион сиёсатни мувофиқлаштиради, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш билан шуғулланади, коррупциявий хавф-хатарлардан хабардор етиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади, антикоррупцион дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан даврий ҳисоботлар тақдим етади ҳамда бошқа бир қатор вазифаларни бажаради.

**Ҳиндистонда** 1964 йилдан буён Огоҳлик марказий қўмитаси (ingl. Central Vigilance Comission, CVC) сиёсий коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланиб келади. Мазкур орган ҳукумат муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя етилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Коррупсияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органлари Европа давлатларида ҳам мавжуд. Масалан, Финландияда коррупцияга қарши курашиш билан президент томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда бошқа давлат органларидан мустақил бўлган Адлия омбудсмани (fin. Justice-Ombudsman) шуғулланади.

Шу каби, Францияда Коррупсиянинг олдини олиш марказий хизмати (fr. Service central de prevention de la corruption, SCPC), Руминияда Миллий антикоррупцион директорат (ingl. National Anti-Corruption Directorate), Латвияда Коррупсияга қарши курашиш ва олдини олиш бюроси, Литвада Махсус тергов хизмати, Украинада Миллий антикоррупцион бюро порахўрликка қарши фаол кураш олиб боришни ташкил қилиб елмоқда.[70]

Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, ҳозирда жамиятимизда мансабдор шахсларнинг жиноятларни фош этиш ва тегишли жазо чораси қўллаш билан боғлиқ муаммо мавжудлиги бошқа давлат органларидан мустақил бўлган коррупцияга қарши кураш прокуратураларини ташкил этишни тақазо этмоқда. Ҳамда ушбу прокуратураларга конститциявий сиёсий амалдорга қарши шикоятларни текшириш юзасидан ваколатлар, мансабдор шахслар

[70] http://hudud24.uz/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-boyicha-mustaqil-organ-kerakmi-xorij-tajribasi-nima-deydi.

томонидан содир этилган жиноятлар терговини амалга ошириш, уларнинг даромадлари деклорациясини назорат қилиш ваколати берилиши лозим:

## ХУЛОСА

Коррупцияга қарши курашишнинг **ташкилий муаммолари** яъни:

1. Жамиятда юқори мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган элитар коррупцияни етарли даражада жиноий таъқиб этиш тизими мавжуд эмаслиги;

2. Юқори мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган элитар коррупцияни таъқиб қилувчи алоҳида органнинг мавжуд эмаслиги;

3. Давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан холилиги;

4. Давлатнинг асосини ташкил қилувчи давлат органлари, муассаса ва ташкилот ходимлар иш ҳақларининг кам миқдорда белгиланганлиги;

5. Коррупцияга қарши курашишда малакали кадрларнинг етишмаслиги.

Шунингдек, **ҳуқуқий муаммолар:**

1. Қонунчилигимизда ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллезион нормаларнинг мавжудлиги;

2. Аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоатда фаоллигининг пастлиги;

3. Қонун лойиҳаларини коррупциявий экспертизадан ўтказувчи органлар томонидан экспертиза ўтказиш мукаммал амалга оширилмаётганлиги асосий муаммоларидан ҳисобланади.

Тадқиқот ишида келтирилган фикрларга таянган ҳолда юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун ўзимизнинг таклифларимизни уч гуруҳга бўлиб изоҳлаймиз:

### I. Назарий хулосалар

**1.** Диссертация ишимиздан келиб чиқиб, қуйидаги атамаларга муаллифлик таърифи берилди:

- *Элитар коррупция – Олий мансабдор шахслар, яъни конституциявий сиёсий амалдорлар томонидан ўз манфаатлари ёки бошқа шахслар манфаатлари йўлида содир этиладиган коррупциявий жиноят.*
- *Конституциявий сиёсий амалдор – фаолият ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинадиган, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган шахс.*

## II. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

**1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг** 13-моддаси 1-қисми “*жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш”* банди билан тўлдирилиши лозим.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-июндаги **“Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 4761-сонли Қарорида** *қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширувчи тузилма ташкил этиш тартиби, штат бирликлари сони* белгилаб ўтилиши лозим.

**3. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига “*Коррупцияга қарши курашиш фаолияти*”** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида киритилиши лозим.

**4. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига “*Коррупциявий жиноятларга қарши курашишга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат*”** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланиши лозим.

**5. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун $23^1$-моддаси “*норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини***

***коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш*”** билан тўлдирилиши лозим.

**6. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун**нинг 29-моддаси *норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади жумласи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади* жумласига ўзгартирилсин.

**7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги** қонуннинг 5-моддаси *Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, Коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлиги, Ҳолислик, Сиёсий бетарафлик* принциплари билан тўлдирилиши лозим.

**II. Ташкилий тавсия ва таклифлар.**

**1**. Ҳудудларда коррупциявий жиноятларни фош этиш ва уларни тергов қилиш ҳамда барча алоқадор шахсларни жавобгарликка тортиш учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун уларни фош қилувчи ва судгача бўлган процессда ўзининг қатъий белгиланган позициясига эга бўлган, ўз фаолияти давомида 3 та асосий вазифани, яъни:

1) Коррупциявий жиноятларни тергов қилиш;

2) Коррупция тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижросини назорат қилиш;

3) Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш жараёнларини профилактикасини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланувчи *Коррупцияга қарши кураш прокуратураси* ташкил этилиши лозим. (Хусусан, бу каби амалиёт Латвияда мавжуд бўлиб, ушбу фаолиятни олиб борувчи “*KNAB*” бюроси мавжуд.)

**2.** *Коррупцияга қарши кураш прокуратураси* органининг мустақиллигини ҳамда турли ҳил сиёсий тазйиқлардан ҳоли бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланадиган, доимий асосда фаолият юритувчи, прокуратура органлари ҳодимлари орасидан юксак салоҳиятли, кўп йиллик меҳнат амалиётига эга кадрлар тайинланиши ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Президентига ҳисобдорлиги ўрнатилиши таъминланиши лозим.

**3.** Коррупция бизни барқарор ривожланишдан қандай маҳрум қилишини ва инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши билан боғлиқлигини жамият томонидан хабардорлигини таъминлаш учун оммавий *ахборот воситаларининг бор имкониятларидан максимал даражада фойдаланишимиз* ушбу жиноят субъектларини содир этган жинояти учун жазоланганлик билан боғлиқ ҳолатларини тизимли ва узликсиз тарзда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш лозим.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

## I. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар

**1.1** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.;

**1.2** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль;

**1.3** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПФ-5729 Фармони;

**1.4** Ўзбекистон Республикаси Президентининг29.06.2020 йилдаги 6013-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони;

**1.5** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сонли «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

**1.6** Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни;

**1.7** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 2752-сонли Қарори;

**1.8** Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги “Прокуратура тўғрисида” ги ЎРҚ-257-II-сонли Қонуни;

**1.9** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022-йил 28-февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси;

**1.10** Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чоралари ҳақида»ги қарор;

**1.11** Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 7 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом;

**1.12** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 4761-сонли Қарори;

**1.13** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5446-сонли Фармони;

**1.14** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 15-мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сон Фармони;

**1.15** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 3666-сонли Қарори;

**1.16** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2021 йил 24-февралда 3287-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом;

**1.17** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган 682-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни.

## II. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

**2.1** Жилина И.Ю. Феномен коррупции: общие подходы к изучению. Соци-ально-экономические аспекты коррупции. Экономические и социальные пробле¬мы России // — М., 2008;

**2.2** Лунеев В. В. Коррупция: политические, экономические, организаци-онные и правовые проблемы / Лунеев В.В. //Гос-во и право — 2012;

**2.3** Лопатин В.Н. Проблемы борьбы с коррупцией при формировании и реализации антикоррупционной политики: сборник материалов международной научно- практической конференции "Актуальные проблемы строительства и раз¬вития союзного государства" — СПб., 2001;

**2.4** Винокуров Ю. Е. Прокурорский надзор / Винокуров Ю.Е. — М.: Высшее образование, 2005;

**2.5** Звербуль В. К. Перспективы развития прокурорского надзора в правовом государе I вс / Звербуль В.К. — М.,1990;

**2.6** Капинус О. С. Настольная книга прокурора Академия Генеральной прокуратуры РФ : Юраю — М., 2012;

**2.7** Г.А.Сатторов, М.И.Левин, М.Л.Цирик. Россия и корруция кто кого?;

**2.8** Н.Е.Егорова. Уголовно – правовые формы борьбы скорруцией в новых экономических условиях. Автореф. Дисс.канд.юрид.наук. Саратов;

**2.9** Зуфаров Р.А. Порахурликка қарши кураш муаммолари. Т.: ТДЮИ, 2005. Б.52;

**2.10** Раном.Э.П. Уголовно-при спые проблемы борьбы с коррупцией. Коррух в России состояние и проблемы. М., 1996, с.39-40. 16

**2.11** Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовноправовых мер // Следователь. 2009;

**2.12** Максимов С. В. Коррупция. Закон. Ответственность. М. 2008;

**2.13** Лунеев В. В. Преступность XX века: мировые, региональные и

российские тенденции / М.: Волтерс Клувер, 2005;

**2.14** Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: научный и практический пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013;

**2.15** Georgiev V. “Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defenceand Security”, 2013, Journal of Defense Management;

**2.16** Мальцев В.В. Актуальные проблемы противодействия коррупции // Актуальные проблемы юриспруденции: сб. ст. по матер. II междунар. науч.-практ. конф. № 2(2). - Новосибирск: СибАК, 2017;

**2.17** Коновалов В.А. Роль прокурорского надзора за исполнением законода тельства о противодействии коррупции в системе публичной службы в Российской Федерации // Вопросы российского и международного права;

**2.18** Павлов В.Н. Прокурорский надзор за исполнением законов // Журнал Российского права 2001;

**2.19** Разуваев А.А. Экспертиза как средство повышения эффективности процесса правореализации (вопросы теорицц и практики): Автореф.дисс;

**2.20** Винокуров, А. Ю. Требование в системе правовых средств прокурорского надзора /А. Ю. Винокуров // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения: сборсборник статей / под общ. ред.О. С;

**2.21** Капинус, А. В. Кудашкина. — М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2010.
**2.22** Сидельников Ю.В. Экспертиза сегодня и завтра.- М., 1997;

**2.23** О.М.Мадалиев. “Прокурор назорати”. Т:. 2009, Б.103;

**2.24** Лафитский, В. И. Коррупция в Евразийском экономическом союзе: общее наследие, противодействие и новые вызовы // Законодательство и экономика. – 2016;

## III. Хорижий манбаалар

**3.1** Конституция Финляндии от 11 июня 1999 года [Электронный ресурс] //

Сайт «Конституции государств (стран) мира». – Режим доступа: http://worldconstitutions.ru. ;

**3.2** Зенков, М. Ю. Зарубежный опыт управления: Государственная служба : учебное пособие. – Новосибирск : НГАУ, 2004. – 130 с;

**3.3** Зарубежный опыт борьбы с коррупцией [Электронный ресурс] // Сайт «История новой России». – Режим доступа: http://www.ru-90.ru/node/1485. ;

**3.4** Evaluation Report on Finland, adopted by GRECO at 5th Plenary.;

**3.5** Brings together representatives of the Ministry of Justice, the Prosecutor General, the SØIK, the Ministry of Foreign Affairs, the Ministry of Finance, etc. with the goal of improving co-ordination and information sharing between authorities in the context of the fight against corruption.

**3.6.** Рейтинг стран по уровню коррупции [Электронный ресурс] // Сайт «Собираемся в дорогу: информационный портал». – Режим доступа: http://gotoroad.ru/best/corruption.

**3.7** Уголовный кодекс Германии [Электронный ресурс] // Сайт «Юридическая Россия : федеральный правовой портал». – Режим доступа: http://law.edu.ru/norm/norm.

**3.8** Директива Федерального правительства по предупреждению коррупции в федеральной администрации МВД ФРГ от 30 июля 2004 г. [Электронный ресурс] // Сайт «BMI: Bundesministerium des Innern». – Режим доступа: http://www.bmi.bund.de/SharedDocs/Downloads.

## IV. Диссертация ва авторефератлар:

**4.1** Баранов.В.М, Теневое право. Н. Новгород, 2002.

**4.2** Ильин.О.С, Хроника прохождения законопроекта «О борьбе с коррупцией». // Коррупция и борьба с ней. М, 2000.

**4.3** Wheelock, D. Deposit insurance and bank failures: new evidence from the 1920s. Economic Inquiry 30, 530–543.

**4.4** M.I. Azim, R. Kluvers Resisting corruption in Grameen Bank J. Bus. Ethics, 156 (3) (2019), pp. 591-604// [Электрон манбааа]. URL: https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib0008

**4.5** P. Bagus, D. Howden The legitimacy of loan maturity mismatching: a risky, but not fraudulent, undertaking J. Bus. Ethics, 90 (3) (2009), pp. 399-406//

**4.6** T. Beck, A. Demirgüç-Kunt, R. Levine Bank supervision and corruption in lending J.Monetary Econ., 53 (8) (2006), pp. 2131-2163// [Электрон манбааа]. URL:https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib0015

**4.7** A. Boudriga, N.B. Taktak, S. Jellouli Banking supervision and nonperforming loans: a cross-country analysis J.Financ. Econ. Policy, 1 (4) (2009), pp. 286-318 [Электрон манбааа]. URL: https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib001

**4.8** M. Chen, B.N. Jeon, R. Wang, J. Wu Corruption and bank risk-taking: evidence from emerging economies Emerg. Markets Rev., 24 (2015), pp. 122.

## V. Интернет ресурслари:

**1.** http://lex.uz.

**2.** http://lawlibrary.ru

**3.** http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102014157.

**4.** https://www.transparency.org/en/our-priorities/grand-corruption.

**5.** http://gotoroad.ru/best/corruption.

**6.** http://worldconstitutions.ru.

**7.** http://www.ru-90.ru/node/1485.

**8.** http://gotoroad.ru/best/corruption.

**9.** http://law.edu.ru/norm/norm.

**10.** http://www.bmi.bund.de/SharedDocs/Downloads.

**11.**https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-organizatsii-antikorruptsionnoy-deyatelnosti-v-organahmestnogo-samoupravleniya-zarubezhnyh-gosudarstv

**12.** https://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya.

**13.**https://cyberleninka.ru/

**14.**http://www.unn.ru

**15.** https://www.atlanticcouncil.org/blogs/ukrainealert/a-new-vision-for-ukraines-prosecution-service.

**16.** https://www.ohchr.org.

# ИЛОВАЛАР

**1-Илова**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА.

Қонунчилик палатаси томонидан ________да қабул қилинган

Сенат томонидан __________да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон, __.__.20__ й., _/_/__/__-сон) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

**1) 2-модда**

қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий

вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, *коррупцияга қарши курашиш фаолияти,* ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

**2) 4-модда;**

**қуйидаги қисм билан тўлдирилсин:**

*Коррупциявий жиноятларга қарши курашишга қаратилган қонунлар ижраси устидан назорат қилиш.*

**3) 5-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик, *инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлиги, ҳолислик, сиёсий бетарафлик.*

**4) 5-модда:**

қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

*Прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципига асосланади.*

*Прокуратура органларининг ходимлари жамият манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги керак.*

*Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда прокуратура органлари ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, жамиятда манфаатлар тўқнашувига риоя қилинишини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини*

*деклорациясини назорат қилишни ташкил этади.*

*Прокуратура органларининг ходимлари коррупцияга қарши курашиш фаолияти давомида сиёсий бетарафлик принципига асосланган ҳолда фақат давлат манфаатлари йўлида фаолиятини белгилайди.*

**5) II бўлим:**

10-моддаси қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

*Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси*

**6) *18$^{2}$-моддаси* билан тўлдирилсин ва у қўйидагича талқин қилинсин.**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси:*

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган прокурор бошқаради.*

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратурасининг асосий вазифалари, конституциявий сиёсий амалдорларга қарши шикоятларни текшириш, мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларнинг мониторингини амалга ошириш, мансабдор шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини деклорациясини назоратини амалга ошириш ҳамда улар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар терговини олиб бориш.*

**7) 23$^{1}$-моддаси билан тўлдирилсин ва қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

***“Коррупциявий жиноятларга қарши курашишга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат.***

*Прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда*

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятни олиб боради ва аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органган талаб қўйишм мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органган 10 кунлик муддатда куриб чиқиши ва куриб чиқиш якуни бўйича ахборот бериши лозим.* ”

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 7-8 2022 йил №8-моддаси қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1)** 13-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“*жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш.*

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-июндаги **“Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 4761-сонли Қарорнинг 1-қисм да 2-банди қуйидагича талқин қилинсин.**

*Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 60 та штат бирлиги миқдорида белгиланиб, қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширувчи тузилма 10 та штат бирллиги ажратилсин.*

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сонли **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

29-модда 2-қисм 1-хатбоши: қуйидаги мазмундаги жумла билан

тўлдирилсин:

*норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалаларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади.*

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади.*

**2-илова**

## “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасига

## ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

| **Амалдаги таҳрир** | **Таклиф этилаётган таҳрир** | **Асослантириш** |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни** | | |
| **5-модда**: Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкораликдир.<br><br>Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.<br><br>Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг | **5-модда**: Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва *ошкоралик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳолислик, коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлиги, сиёсий бетарафлик.*<br><br>*Прокуратура органларининг ходимлари коррупцияга қарши курашиш фаолиятларида маълумотларнинг очиқлигини таъминлаган ҳолда фаолиятини ташкил этади.*<br><br>*Прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципига асосланади.*<br><br>*Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда* | Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш ва амалга оширишнинг қўшимча принциплари белгиланмоқда.<br><br>Ушбу принциплар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, прокуратура тўғрисидаги қонунда ушбу принсиплврни акс эттириш прокуратура органларини коррупцияга қарши курашишдаги ҳуқуқий асосини белгиланишини таъминлайди.<br><br>Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш Истамбул ҳаракатлар режаси 4-роунди хулосаларига кўра, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ушбу принциплар билан |

| | | |
|---|---|---|
| ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлик жавобгардир.<br><br>Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.<br><br>Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади.<br><br>Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. | *прокуратура органлари ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, жамиятда манфаатлар тўқнашувига риоя қилинишини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини деклорациясини назорат қилишни ташкил этади.*<br><br>*Прокуратура органларининг ходимлари жамият манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги керак.*<br><br>*Прокуратура органларининг ходимлари коррупцияга қарши курашиш фаолияти давомида сиёсий бетарафлик принципига асосланган ҳолда фақат давлат манфаатлари йўлида фаолиятини белгилайди.* | тўлдирилиши тавсия қилинган.<br><br>Бундан ташқари, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятида шаффофликни таъминлаш ушбу фаолиятда жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида ошкоралик принципи киритилмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247-сон Фармони билан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланган бўлиб, прокуратура органлари томонидан коррупцияга оид текширишлар жамоатчиликка ошкор қилиб борилишини таъминлайди.<br><br>Прокуратура органлари коррупциявий жиноятларни таъқиб қилиш ва фош этиш давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши ва уларнинг конун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслигини таъминлайди.<br><br>Прокуратура органларининг ходимлари коррупцияга қарши курашиш фаолияти давомида жамият манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги кераклигини таъминлайди |

| | | |
|---|---|---|
| **Тўлдирилмоқда.** | | ҳамда сиёсий бетараф бўлган ҳолда фақат давлат манаатларига хизмат қилган ҳолда фаолтият олиб боради. |
| **10-модда. Прокуратура органларининг тизими**<br><br>Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:<br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;<br>Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;<br>**Тўлдирилмоқда.**<br>вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;<br>туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;<br>вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;<br>туман прокуратураларига тенглаштирилган, худудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.<br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек | **10-модда Прокуратура органларининг тизими**<br><br>Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:<br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;<br>Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;<br>*Коррупцияга қарши курашиш прокуратуралари;*<br>вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;<br>туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;<br>вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;<br>туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.<br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти | Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олидини олиш фаолиятини амалга оширишни ташкил этувчи антикоррупциявий прокуратуралар ташкил қилиш талаб этилади.<br>Ҳозирда прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти кўпроқ жиноий таъқиб қилишга асосланган. Зеро, коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усули уни олдини олиш ҳисобланади. Бу эса, ушбу фаолиятни амалга оширувчи антикоррупциявий прокуратуралар ташкил қилишни талаб этмоқда.<br>Бу каби амалиёт Украина ҳамда Малдовия давлатида мавжуд. |

| | | |
|---|---|---|
| уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади. | ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади. | |
| **Тўлдирилмода.** | **18²-модда.** *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси:*<br>*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратураси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган прокурор бошқаради.*<br>*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш прокуратурасининг асосий вазифалари, конституциявий сиёсий амалдорларга қарши шикоятларни текшириш, мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларнинг мониторингини амалга ошириш, мансабдор шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини деклорациясини назоратини амалга ошириш ҳамда улар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар терговини олиб бориш.* | Жамиятимизда катта коррупциявий(*Grand corruption*) жиноятларни фош этиш ва тегишли жазо чораси қўллаш билан боғлиқ муаммо мавжудлиги бошқа давлат органларидан мустақил бўлган антикоррупциявий прокуратураларни ташкил этишни таъқазо этмоқда. Ҳамда ушбу прокуратураларга сиёсий амалдорга қарши шикоятларни текшириш юзасидан ваколатлар, мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар терговини амалга ошириш, уларнинг даромадлари деклорациясини назорат қилиш эҳтиёжи мавжуд. |
| **2-модда**. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий | **2-модда** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий | Хориж амалиётида ҳамда жамиятимиздаги ижтимоий ўзгаришлар давомида |

| | | |
|---|---|---|
| вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. | вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, *коррупцияга қарши курашиш фаолияти*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. | коррупцияга қарши курашиш фаолияти прокуратура органларининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу тажриба Украина ҳамда Сингапур давлатлари қонунчилигада келтириб ўтилган. |
| **4-модда.** Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:<br>вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;<br>фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;<br>тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар | Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:<br>вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;<br>фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;<br>тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар | Хориж амалиётида ҳамда жамиятимиздаги ижтимоий ўзгаришлар давомида коррупцияга қарши курашиш фаолияти прокуратура органларининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу тажриба Украина ҳамда Сингапур давлатлари қонунчилигада келтириб ўтилган. |

| | | |
|---|---|---|
| томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;<br>жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;<br>судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;<br>солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;<br>ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;<br>**тўлдирилмоқда**<br>қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. | томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;<br>жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;<br>судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;<br>солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;<br>ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;<br>*Коррупциявий жиноятларга қарши курашишга қаратилган қонунлар ижраси устидан назорат қилиш.*<br>қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. | |

| Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни | | |
|---|---|---|
| **13-модда. Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:**<br><br>коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;<br><br>**тўлдирилмоқда.**<br><br>жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;<br><br>жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;<br><br>жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз | **13-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:**<br><br>коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;<br><br>*“жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш*<br><br>жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;<br><br>жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;<br><br>жиноий таъқиб этишни ташкил | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармонда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор бўлиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширувлар ўтказиш келтириб ўтилган. |

| | | |
|---|---|---|
| вақтида хабардор қилади;<br><br>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;<br><br>коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;<br><br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. | қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;<br><br>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;<br><br>коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;<br><br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. | |
| **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 4761-сонли Қарор** | | |
| Агентлик бошқарув ходимларининг | Агентлик бошқарув ходимларининг | “Коррупцияга қарши курашиш |

| | | |
|---|---|---|
| чекланган сони 50 та штат бирлиги миқдорида белгиланган. | чекланган сони 60 та штат бирлиги миқдорида белгиланиб, қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширувчи тузилма 10 та штат бирлиги ажратилсин. | агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланди. Унга кўра, агентлик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ўрганиш асосида, шунингдек, ўз ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этишга ҳақли этиб белгиланди. |
| **Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни** | | |
| **29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар | **29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар | Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олидини олиш фаолиятини амалга оширишни ташкил этувчм антикоррупциявий прокуратуралар ташкил қилиш талаб этилади.<br><br>Ҳозирда прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти кўпроқ жиноий таъқиб қилишга асосланган. Зеро, коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усули уни олдини олиш ҳисобланади. Бу эса, ушбу фаолиятни амалга оширувчи антикоррупциявий прокуратуралар ташкил қилишни талаб этмоқда.<br><br>Бу каби амалиёт Украина ҳамда Малдовия давлатида мавжуд. |

| | | |
|---|---|---|
| ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.<br><br>Коррупцияга қарши экспертиза:<br><br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;<br><br>**тўлдирилмоқда**<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси якунларига кўра тегишли хулоса тузилади. | ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.<br><br>Коррупцияга қарши экспертиза:<br><br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;<br><br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади.*<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси якунларига кўра тегишли хулоса тузилади.<br><br>. | |